

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

Қўлёзма ҳуқуқида

УДК

АДИЛОВ ШЕРЗОД МИРКАМАЛОВИЧ

**ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИ ТИЗИМИНИ КОМПЛЕКС
СУҒУРТАЛАШ МАСАЛАЛАРИ**

5A231201 – Суғурта иши

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

Илмий раҳбар:
и.ф.н., доцент Нуруллаев А.С.

ТОШКЕНТ – 2013

МУНДАРИЖА		
	Кириш.....	3
I боб.	Ўзбекистон иқтисодиётида темир йўл транспорти тизимининг тутган ўрни ва уни суғурталашнинг зарурлиги, аҳамияти.....	10
1.	Темир йўл транспорти тизимида амалга оширилган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти.....	10
2	Темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашнинг зарурлиги ва услублари.....	14
	I боб бўйича хулоса.....	25
II боб.	Ўзбекистон темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари.....	26
1.	Темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкани суғурталашнинг амалдаги тартиби ва унинг таҳлили.....	26
2.	Темир йўл транспорти корхоналари ишчи-хизматчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари....	34
	II боб бўйича хулоса.....	42
III боб.	Темир йўл транспорти корхоналарини суғурта йўли билан ҳимоялашнинг муаммолари ва истиқболлари.....	43
1.	Темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкани суғурталаш тизимини такомиллаштириш.....	43
2.	Темир йўл транспорти тизими корхоналари мол-мулкани суғурталашда тариф сиёсатини такомиллаштириш.....	51
	III боб бўйича хулоса.....	57
	Хулоса.....	58
	Адабиётлар рўйхати.....	61

Кириш

Магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарблиги. 2012 йилнинг асосий якунлари ва 2013 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида Президент И.Каримов 2012 йилда мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимида амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтдилар: “Темир йўл транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш ишлари, темир йўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳалари изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу ишлар поездлардан фойдаланиш харажатларини 20 фоизга камайтириш, йўловчи ва юк ташиш тезлигини 1,3 баробар ошириш, 830 километрлик Тошкент-Термиз темир йўлини тўлиқ электрлаштириш имконини беради. 2012 йилда узунлиги 240 километр бўлган темир йўлни қайта тиклаш ишлари давом эттирилди. Узунлиги 70 километрдан ортиқ бўлган Даштобод-Жиззах темир йўл тармоғи бўйлаб юк ва йўловчи поездлар ҳаракати йўлга қўйилди”¹.

Албатта, мамлакатимиз иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишида темир йўл транспорти тизимининг ўрни катта. Мустақиллик йиллари темир йўл транспорти соҳасига бозор механизмларини жорий этиш, уни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш борасида салмоқли ютуқларга эришилди. Бугунги кунда кундалик иқтисодий тараққиётни темир йўл транспортисиз тасаввур этиб бўлмайди. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси ва унинг таркибидаги корхоналарнинг барқарор фаолият юритишларига қатор омиллар таъсир кўрсатади. Хусусан, табиий офатлар, ёнғин, ишлаб чиқаришнинг тўсатдан узилиб қолиши, учинчи шахсларнинг ҳатти-ҳаракати

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

натижасида темир йўл транспорти корхоналари катта зиён кўришлари мумкин. Бундай шароитда, уларни ташқи ва ички омилларнинг салбий таъсиридан ишончли ҳимоясини таъминлаш долзарб аҳамият касб этади. Шу ўринда таъкидлаш лозимки, темир йўл транспорти корхоналарини турли даражадаги ва шаклдаги хавф-хатарлардан ҳимоя қилишнинг асосий воситаларидан бири суғурта ҳисобланади.

Юқорида қайд этилганларга яна шуни қўшимча қилиш мумкинки, бозор муносабатлари шароитида тижорат асосида фаолият юритадиган ҳар қандай корхонанинг, шу жумладан темир йўл транспорти корхоналарининг асосий мақсади фойда олишга қаратилган. Мунтазам юқори фойда олишга интилиш юқори даражадаги риск билан ҳам боғланганлигини унутмаслик зарур. Темир йўл транспорти корхоналари тадбиркорлик фаолиятининг асосини ташкил этиб, улар ўз тасарруфларидаги молиявий, моддий ва бошқа ресурслардан имконият даражасида максимал фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Яъни, корхоналарнинг асосий эътибори ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилади. Афсуски, бошқа ҳўжалик юритувчи субъектлар каби темир йўл транспорти корхоналари ҳам ўз фаолиятларини юритишларида олдиндан кўриб бўлмайдиган рискларга дучор бўлишлари ва бунинг натижасида катта зиён кўришлари мумкин.

Суғурта мустақиллик йилларида Ўзбекистонда янги босқичга кўтарилди. Агар, ўша собиқ совет даврида мамлакат ичкарасидаги барча суғурта ишлари фақат «Госстрах» деб аталмиш давлат суғурта органлари томонидан амалга оширилган бўлса, 2013 йилнинг 1 апрель ҳолатига мамлакат суғурта бозорида 33 та суғурта ташкилоти 200 дан ортиқ суғурта хизматларини кўрсатишмоқда.

Корхоналарнинг, шу жумладан темир йўл транспорти корхоналарининг ўз мулки ёки бошқа манфаатларини ихтиёрий суғурта қилиш билан боғлиқ харажатлари даромад (фойда) солиғи базасидан чиқарилади. Шу ерда алоҳида таъкидлаш керакки, 2002 йилнинг бошларига қадар корхона ва ташкилотлар ўз мол-мулкини ихтиёрий суғурта қилиш бўйича тўлаган

суғурта мукофотлари солиққа тортиладиган базага киритилар эди. Бу ҳолат уларни ихтиёрий суғуртага бўлган манфаатдорлигини янада пасайтирар эди. Мамлакатимиздаги мавжуд темир йўл транспорти корхоналарининг анчагина қисми суғурта ҳимоясига олинмаганлигининг омилларидан бири ҳам ана шунда десак, асло муболаға бўлмайди.

Шу билан бир қаторда таъкидлаш зарурки, темир йўл транспорти тизимидаги корхоналарнинг мулкани ихтиёрий суғурта қилиш бўйича қатор муаммолар тўпланиб қолган. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин: темир йўл транспорти корхоналарининг салмоқли қисми суғурта ҳимоясидан ташқарида қолган, уларнинг мулкани суғурталаш бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқилмаган, темир йўл транспорти корхоналари мулкани суғуртаси бўйича суғурта ходисалари содир бўлганда етказилган зарарларни аниқлаш услуби такомиллаштиришни талаб этади.

Юқорида қайд этилганлар биз танлаган магистрлик диссертация иши мавзусининг долзарб эканлигидан далолат беради.

Магистрлик диссертация ишининг ўрганилганлик даражаси. суғурта, шу жумладан, темир йўл транспорти тизими корхоналарини суғурта қилишнинг асосий йўналишлари бўйича илмий-тадқиқот ишларини олиб борган хорижий олим ва мутахассислар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: Бланд Д., Манэс А., Орланюк-Малицкая Л.А., Турбина К.Е., Сплетухов Ю., Рейтман Л.И., Шахов В.В., Юлдашев Р.Т. ва бошқалар. Шунингдек, мамлакатимиз олим ва мутахассисларидан Собиров Ҳ.Р., Икромов О.Г., Халимов И.З., и.ф.д., проф. Ш.Имомов, т.ф.н. Мирсодиқов, и.ф.н. Умаров С.А., и.ф.н., доц. Шеннаев Х.М., доц. Баймуратов Т.М., и.ф.н., доц.Ваҳобов А.Р. кабилар корхоналарни суғурта қилишнинг долзарб масалалари бўйича муайян тадқиқот ишларини олиб борганлар. Шундай бўлишига қарамасдан бу йўналишда ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Магистрлик диссертация ишининг мақсад ва вазифалари. Мазкур магистрлик диссертация ишининг мақсади темир йўл транспорти

корхоналарининг мулкӣ манфаатларини суғурталашнинг назарий ва амалӣ муаммоларини илмӣ тадқиқ этиш ҳамда шу асосда уни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга қаратилгандир.

Магистрлик диссертация иши олдига қўйилган мақсадга эришиш учун ушбу ишда қуйидаги вазифаларни ҳал этиш назарда тутилган:

- темир йўл транспорти тизимида амалга оширилган ислохотларнинг моҳиятини ёритиш ва аҳамиятини тадқиқ этиш;
- темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашнинг зарурлигини асослаш ва услубларини ўрганиш;
- темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкни суғурталашнинг амалдаги тартибини ёритиш ва унинг таҳлилини амалга ошириш;
- темир йўл транспорти корхоналари ишчи-хизматчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг ўзига хос хусусиятларини илмӣ жиҳатдан тадқиқ этиш;
- темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкни суғурталаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;
- темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашда тариф сиёсатини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Магистрлик диссертация ишининг предмети. Магистрлик диссертация ишининг предмети темир йўл транспорти корхоналарини суғурталаш билан боғлиқ муносабатлар ҳисобланади.

Магистрлик диссертация ишининг объекти. Ишнинг объектини эса суғурта ташкилотларининг темир йўл транспорти корхоналарининг мулкӣ манфаатларини суғурта қилиш билан боғлиқ фаолияти ташкил этади.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Магистрлик диссертация ишида Ўзбекистон темир йўл транспорти тизимини комплекс суғурталашни амалга оширишнинг замонавий ҳолати асосий илмӣ масала сифатида қаралади. Тадқиқот ишида темир йўл транспорти тизими корхоналарининг мулкӣ манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоялашнинг асосий шартлари, суғурта полисларини бериш ва шу асосда суғурта

хизматларини кўрсатилишини ташкил этиш масалалари илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этилади. Фикримизча, Ўзбекистонда темир йўл транспорти тизими корхоналарини суғурталаш тизимини талаб даражасида ва самарали йўлга қўйиш, пировардида, соҳани барқарор ҳамда ишончли ривожланишини таъминлаш имкониятини яратади.

Мавзу бўйича адабиётлар таҳлили. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг иқтисодиёт соҳасидаги асарлари, иқтисодиётни ислоҳ қилиш, шу жумладан суғурта соҳаси бўйича қабул қилинган Президент фармонлари, қонунчилик ҳужжатлари, хорижлик ва мамлакатимиз олимларининг суғурта йўналиши бўйича эълон қилган илмий мақолалари ва монографиялари ушбу магистрлик диссертация ишини ёзишда дастурамал вазифасини бажарди. Шунингдек тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг ва йирик суғурта компанияларининг статистик маълумотларидан фойдаланилди.

Тадқиқотни амалга оширишда қўлланилган услублар. Илмий изланишни амалга оширишда фанда маълум бўлган илмий-тадқиқотларни олиб бориш услубларидан фойдаланилди. Чунончи, рақамларни гуруҳлаш асосида маълумотларни қайта ишлашнинг статистик усули, тизимли баҳолаш, фикрларни мантиқий таҳлили ва маълумотларни таққослама таҳлил этиш, илмий кетма-кетликни таъминлаш услублари қўлланилди.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Магистрлик диссертациясида Ўзбекистонда темир йўл транспорти корхонларини суғурталашнинг зарурлиги ва аҳамияти юзасидан муҳим назарий хулосалар чиқарилган. Мазкур хулосалар суғуртанинг назарий – илмий асосларини бойитиш имкониятини беради. Бундан ташқари, мамлакатимизда темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашни халқаро талаблар асосида ривожлантириш юзасидан ишлаб чиқилган таклиф ва тавсияларни катта амалий аҳамиятга эга деб ҳисоблаймиз.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Тадқиқотни амалга ошириш натижасида қуйидаги илмий янгиликлар олинди:

- темир йўл транспорти корхоналари раҳбарларининг суғурта саводхонлигини ошириш ва уларнинг онгига суғуртанинг туб моҳиятини сингдириш чораларини кўриш зарурлиги илмий асосланди;

- темир йўл транспорти тизими корхоналари ва суғурта компаниялари ўртасида суғурта шартномаси тузилишидан аввал корхонанинг фаолиятига таъсир этадиган рискларни аниқлаш, баҳолаш ва шунга муносиб равишда суғурта шартларини ишлаб чиқишнинг мақсадга мувофиқлиги билдирилди;

- темир йўл транспорти тизими корхоналари, хусусан ҳаракатдаги темир йўл таркибида, яъни поездда юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг табиатини, частотасини ва содир бўлиш эҳтимолини чуқур ўрганишни ва шундан сўнг суғурта ҳимоясига олиниши таклиф этилди;

- темир йўл транспорти соҳасини тўлиқ суғурта ҳимоясига олинишини таъминлаш мақсадида илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида махсус суғурта дастурларини ишлаб чиқиш бўйича тавсия берилди.

Магистрлик диссертация ишининг таркиби ва ҳажми. Мазкур магистрлик диссертация иши таркибан кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Ишнинг кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асосланган ҳамда магистрлик диссертация иши олдига қўйилган мақсад ва вазифалар келтирилган. Биринчи бобда темир йўл транспорти тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашнинг зарурлиги ва услублари ҳам ушбу бобда қараб чиқилган. Иккинчи бобда темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкини суғурталашнинг амалдаги тартиби ўрганилган ва таҳлил этилган. Темир йўл транспорти корхоналари ишчи-хизматчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари тадқиқ этилган. Учинчи бобда эса темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкини суғурталаш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган. Шунингдек, мазкур бобда темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкини суғурталашда тариф сиёсатини такомиллаштириш масалалари кўриб

чиқилган. Хулоса қисмида магистрлик диссертация ишини ёзиш жараёнида шакллантирилган хулосалар ва ишлаб чиқилган таклифлар ўз аксини топган.

Ишнинг умумий ҳажми 66 бетдан иборат.

I боб. Ўзбекистон иқтисодиётида темир йўл транспорти тизимининг тутган ўрни ва уни суғурталашнинг зарурлиги, аҳамияти

1. Темир йўл транспорти тизимида амалга оширилган ислохотларнинг моҳияти ва аҳамияти

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси 1994 йил 7 ноябрда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган собиқ Ўрта Осиё темир йўллари негизида ташкил этилган. Компания асосий йўлларининг умумий узунлиги бугунги кунда 3645 километрга яқинни ташкил этади. Компанияда 54,7 мингдан зиёд киши ишлайди. Компаниянинг йиллик юк айланмаси барча турдаги транспорт юк айланмасининг 90% га яқинини ташкил этади.

Ҳозирги кунда компания тузилмаси тубдан ислоҳ қилинмоқда. Асосий эътибор алоҳида соҳаларни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришга қаратилмоқда.

Компания фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- темир йўл бўйлаб юкларни экспедициялаш ва етказиб бериш;
- темир йўл вагонларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
- йўловчиларни, туристларни ташиш;
- локомотив ва вагон паркини янгилаш, хизмат кўрсатиш.

Компания учун устувор йўналиш қуйидаги инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобланади:

толали-оптик тармоқларни қўллаш билан алоқа каналларини мустаҳкамлаш;

янги ҳаракатланувчи составни (электровозлар ва вагонлар) сотиб олиш, шунингдек мавжудини модернизациялаш;

янги темир йўлларни қуриш;

темир йўлларни электрлаштириш;

йўлларни капитал таъмирлаш лойиҳаларини амалга ошириш, компания заводларида йўлнинг юқори қурилмаси элементларини, эҳтиёт қисмларни ва бошқаларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

Компания инвестицион қўллаб-қувватлашга мухтож бўлган ва амалга ошган тақдирда инвесторга катта даромад келтиришга умид бағишловчи бир нечта лойиҳага эга. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси 1993 йилдан бошлаб темир йўллар ҳамдўстлиги Ташкилотига (ОСЖД) аъзо. Компания халқаро темир йўллар уюшмаси (МСЖД) ва Осиё-Тинч океани минтақаси учун БМТнинг Иқтисодий комиссияси (ЭСКАТО) билан яқиндан алоқа ўрнатган. Давлат-акциядорлик темир йўл компанияси Европа Иттифоқи Комиссияси ТАСИС дастурининг ТРАСЕКА (Европа-Кавказ-Осиё транспорт коридори) лойиҳаси бўйича қўшма иш олиб бормоқда.

2011 йилда транспорт ва коммуникация қурилишига Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Кувайт араб иқтисодий ҳамкорлик жамғармаси ва ОПЕК жамғармаси томонидан 152 миллион доллардан ортиқ маблағ ажратилди. Мазкур маблағлар ҳисобидан Жиззах – Янгиер йўналиши бўйича электрлаштирилган икки йўлли темирйўл тармоғи ва Янгиер – Фарҳод йўналиши бўйича электрлаштирилган бир йўлли темир йўл тармоғи қурилиши ниҳоясига етказилди. Мароқанд – Қарши ва Қарши – Термиз йўналиши бўйича стратегик аҳамиятга эга бўлган темир йўл тармоқларини электрлаштириш лойиҳаларини амалга оширилди. Бу, ўз навбатида, сарф-харажатларни 20 фоизга камайтириш ва йўловчи ҳамда юкларни манзилга етказиш тезлигини 1,3 баробар ошириш имконини берди.

Шу билан бирга, йўловчи ташиш локомотивлари паркини янгилаш, юк ташиш локомотивлари ҳамда вагонларини модернизация қилиш ва қайта тиклаш, темир йўлларни модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштириш лозим. Шулар қаторида Испаниянинг “Талго” компанияси билан ҳамкорликда Тошкент – Самарқанд темир йўл участкасида

Ўрта Осиёда биринчи бор бунёд этилган тез юрар темир йўл магистрали куриб битказилди ва фойдаланишга топширилди.

Тошкент — Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган “Талго-250” йўловчи электр поездлари қатнови йўлга қўйилди.

Бу поездлардан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темир йўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди.

Темир йўллар коммуникацияларини янада ривожлантириш, Мароқанд — Қарши ва Қарши — Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини янада жадаллаштириш зарур. Шу билан бирга, Тошкент — Самарқанд темир йўл линияси участкасида ободонлаштириш ишларини давом эттириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездларнинг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. “Ўзбекистон темир йўллари” компанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлатиши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаши лозим.

Ўтган йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах — Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда.

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл транспорти компанияси корхоналари муассислигида “TEMIRYO’L-SUG’URTA” суғурта компанияси фаолият кўрсатмоқда.

Дастлаб мазкур компаниянинг номи “TEMIRYO’L-SUG’URTA” суғурта агентлиги деб аталган ва у 2002 йил 9 апрелда “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл суғурта компанияси ташаббуси билан масъулияти чекланган жамият шаклида ташкил этилган. Шу боис, унинг асосий таъсисчилари ҳам мазкур компания таркибига кирувчи корхоналар ҳамда чет эл компанияси ҳисобланади. Агентликни тузишдан кўзланган асосий мақсад темир йўл транспорти тизими таркибидаги корхоналар ва уларда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларга сифатли суғурта хизматларини кўрсатишни таъминлашдан иборат бўлган.

Суғурта агентлигининг асосий таъсисчилари сифатида “Ўзтемирийўлмаштаъмир”, “Тошкент йўловчи вагонларни таъмирлаш заводи” очик акциядорлик жамияти, “Тошкент”, “Бухоро”, “Қуқон” каби минтақавий темир йўл боғламалари ҳамда бир қатор жисмоний шахсларни келтириш мумкин.

2002 йилда “TEMIRYO’L-SUG’URTA” суғурта агентлигининг устав фонди 150,0 минг АҚШ доллари эквивалентидаги суммада шакллантирилган бўлиб, 2013 йил 13 апрелда суғурта фаолиятини амалга оширишнинг 10 класс бўйича рухсат берувчи лицензияни олишга муваффақ бўлган.

2005 йилда агентликнинг устав фонди 336,0 минг АҚШ доллари эквивалентига тенг бўлган суммага етказилди ҳамда бу ўз навбатида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қўшимча равишда 3 та суғурта класс бўйича суғурта хизматларини кўрсатиш ҳуқуқини берувчи лицензияга эга бўлиш имкониятини берди. Шу йили агентлик тузилмасида “NOVIY DEN-ASIYA” номли шуъба хўжалик ташкилоти фаолият кўрсата бошлади. Унинг асосий вазифаси халқ истеъмол товарларининг улгуржи савдосини бўйича хизмат кўрсатиш, шунингдек, компьютар ва бошқа оргтехникаларни тузатиш, веб-сайтларни яратишдан иборат бўлган.

2005 йил июнда агентлик ўз таркибида яна бир шуъба корхонасини, яъни “TEMIRYO’L AZIYA-SERVIS” ташкилотини тузди. Бу ташкилот темир йўл транспорти орқали юкларни ташишда комплекс хизмат кўрсатиш ҳамда

МДХ ва Болтиқ бўйи давлатлари, Европа ва Осиё мамлакатлари ҳудудларида темир йўл транспортида экспедиторлик хизматини кўрсатиш билан шуғулланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги “Суғурта хизматлари бозорини ислоҳ қилиш ва янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон Қарорига мувофиқ 2007 йилда “TEMIRYO’L-SUG’URTA” суғурта агентлигининг устав фонди 587,5 минг АҚШ доллари эквивалентидаги суммага етказилди. Бу таъсисчилар таркибига Россиялик “КалининградСтройИндустрия” корхонасининг кириб келиши ҳисобига амалга оширилди.

2008 йилда суғурта агентлигида қайта таркибий ўзгартиришлар юз берди, таъсисчилар таркиби янгиланди ва унинг номи масъулияти чекланган жамият шаклидаги қўшма корхона “TEMIRYO’L-SUG’URTA” суғурта компаниясига айлантирилди. Шу йили таъсисчилар умумий йиғилиши қарорига кўра компаниянинг устав фонди 1164,0 минг АҚШ доллари эквивалентидаги суммага етказилди. Компаниянинг 2008-2010 йилларда ривожланиш стратегияси ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Бу ўз навбатида компанияни барча кўрсаткичлар бўйича барқарор ва тез суръатлар билан ривожланиш имконини берди.

Компания таъсисчилари умумий йиғилишининг қарорига асосан 2012 йилда компаниянинг устав капитали 2550,0 минг ЕВРО эквивалентидаги сумма миқдорида шакллантирилди. Ҳозирги кунда компания суғурта фаолияти классификаторининг барча 17 та классификация бўйича суғурта хизматларини кўрсатиш ваколатини берувчи лицензияга эга.

2. Темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашнинг зарурлиги ва услублари

Темир йўл транспорти корхоналари тасарруфида кўплаб миқдорда асосий восита сифатидаги темир йўл локомотивлари, асбоб-ускуналар ва

бошқа шунга ўхшаш мол-мулклар мавжуд. Ушбу мол-мулкларни турли табиий офатлар, ёнғин ва учинчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари оқибатида зарарланиши натижасида юзага келган зарарларнинг ўрнини қоплашда суғурта муҳим ўрин эгаллайди.

Мулккий суғурта ҳаёт суғуртасидан ташқари умумий суғурта тармоғида энг асосий суғурта турларини ўз таркибига олади. Ҳаётий тажрибадан маълумки, ҳар қандай корхона, ташкилот ёки фуқаро ўз мол-мулкани авайлаб-асрашга ҳаракат қилади. Аммо, олдиндан кўриб бўлмайдиган кўнгилсиз воқеаларнинг тасодифан содир бўлиши оқибатида бу мол-мулклар зарарларланади ёки бутунлай нобуд бўлади. Режали иқтисодиёт тизимида барча корхоналар давлат тасарруфида бўлганлиги боис бундай воқеаларнинг рўй бериши натижасида етказилган зарарлар, аксарият ҳолатларда, давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қопланган.

Аммо, иқтисодиётни бозор муносабатларига ўтказиш билан боғлиқ иқтисодий ислохотлар мулккий муносабатларни тубдан ўзгартириб юборди. Мулклар давлат тасарруфидан чиқарилиши туфайли хусусий ва бошқа мулкчилик шаклидаги корхона ва ташкилотлар барпо этилди. Табиийки, янги шароитда давлат хусусий сектордаги корхона ва ташкилотларнинг мулккий манфаатларига етказилган зарарлар учун масъулиятни ўз зиммасига олмайди. Бир томондан, бозор шароитида рақобатнинг мавжуд бўлиши ҳамда турли ички ва ташқи хавф-хатарлар тадбиркорлик фаолиятини бир маромда амалга оширишга таҳдид солса, иккинчи томондан, юқори фойда олишга интилиш катта таваккалчиликлар қилишни талаб этади.

Суғурта темир йўл транспорти корхоналарининг мулккий манфаатларини ишончли ҳимоя этувчи самарали восита сифатида бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Аммо, ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда темир йўл транспорти корхоналарининг мулккий манфатларини суғурта ҳимоясига олиш катта қийинчиликка учраяпти. Бунга бир қатор омиллар таъсир кўрсатади.


- корхоналар тўлов қобилиятининг паст даражада бўлиши;

- суғурта ташкилотларига бўлган ишончнинг пастлиги;
- корхона раҳбарларининг суғуртанинг мазмун-моҳияти ва аҳамиятини тўлиқ тушуниб етмаслиги.

Ҳар қандай темир йўл транспорти корхонаси ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сақлашга, авайлаб-асрашга манфаат бўлади. Бу мулкый манфаат суғурта объекти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 916-моддасида суғурталашга йўл қўйилмайдиган манфаатлар келтирилган. Уни чизмада қуйидагича тасвирлаш мумкин (1-чизмага қаранг).

1-чизма



Темир йўл транспорти корхоналарининг қуйидаги мулкларини сақлаш билан боғлиқ уларнинг мулкый манфаати суғурта объекти сифатида қабул қилиниши мумкин:

- бинолар, иншоотлар, тугалланмаган қурилиш объектлари;
- ишчи машиналар, узатиш қурилмалар, қувват берувчи ускуналар;

- инвентарь;
- товар заҳиралари, хом-ашё, материаллар, ёқилғи ва бошқалар.

Суғурталанувчига мулк ҳуқуқи сифатида тегишли бўлган мол-мулклар ҳам, ижара ва кейинчалик эгалик ҳуқуқини бериш шарти билан қабул қилинган мол-мулклар ҳам суғурталаниши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 915-моддасига мувофиқ, мулкӣ суғурта шартномасига мувофиқ бир тараф (суғурталовчи) шартномада шартлашилган ҳақ (суғурта мукофоти) эвазига шартномада назарда тутилган воқеа (суғурта ҳодисаси) содир бўлганда бошқа тарафга (суғурта қилдирувчига) ёки шартнома қайси шахснинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахсга (наф олувчига) бу ҳодиса оқибатида суғурталанган мулкка етказилган зарарни ёхуд суғурталанувчининг бошқа мулкӣ манфаатлари билан боғлиқ зарарни шартномада белгиланган сумма (суғурта пули) доирасида тўлаш (суғурта товони тўлаш) мажбуриятини олади².

Мулкӣ суғурта шартномаси бўйича қуйидагилар суғурталаниши мумкин:

муайян мол-мулкнинг йўқотилиши (нобуд бўлиши), кам чиқиши ёки шикастланиши хавфи;

фуқаролик жавобгарлиги хавфи – бошқа шахсларнинг ҳаёти, соғлиги ёки мол-мулкига зарар етказилиши оқибатида юзага келадиган мажбуриятлар бўйича жавобгарлик, қонунда назарда тутилган ҳолларда эса, шунингдек шартномалар бўйича жавобгарлик хавфи;

тадбиркорлик хавфи - тадбиркорнинг контрагентлари ўз мажбуриятларини бузиши ёки тадбиркорга боғлиқ бўлмаган вазиятларга кўра бу фаолият шарт-шароитларининг ўзгариши туфайли тадбиркорлик фаолиятдан кутилган даромадларни ололмаслик хавфи.

Темир йўл транспорти корхоналарининг мулкни суғурталаш шартномаси уларнинг ёзма аризасига асосан тузилади. Мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилаётганида суғурталовчи суғурта қилинаётган


² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси. – Т.: Адолат, 2003 й. 459 б.

мол-мулкни кўздан кечиришга, зарурият бўлган тақдирда унинг ҳақиқий қийматини белгилаш мақсадида экспертиза тайинлашга ҳақли. Мол-мулкни ёки тадбиркорлик хавфини суғурта қилишда, агар суғурта шартномасида бошқача тартиб назарда тутилган бўлса, суғурта пули уларнинг ҳақиқий қийматидан (суғурта шартномасини тузиш куни турган жойидаги ҳақиқий қиймати) ошмаслиги лозим.

Темир йўл транспорти корхоналарининг ҳаммаси ҳам ўз мол-мулки ва бошқа манфаатларини мутлақо суғурта қилдирмаган десак, хато бўлган бўлар эди. Албатта, тизимда ўзининг мол-мулки ва бошқа манфаатларини суғурта қилдирган корхоналар ҳам топилади. 2011 йил якунлари бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари таркибида темир йўл транспорти тизими корхоналарининг мулкӣ манфаатларини суғурталаш бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари ҳам ўз ўрнига эга. шу муносабат билан биз қуйидаги диаграмма маълумотларини таҳлили қилишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз (1-диаграммага қаранг).

1-диаграмма

Ўзбекистон суғурта бозори бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари динамикаси³



³ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.

Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2011 йилда Ўзбекистон суғурта бозори бўйича тўпланган суғурта мукофотлари миқдори 231,6 млрд.сўмга етган. Буни агар 2007 йилнинг тегишли кўрсаткичи билан таққослайдиган бўлсак, ўсиш суръати 3,2 мартани ташкил этганлигини кўриш мумкин. Таниқли бозор экспертлари томонидан, истикболда мамлакатимизда суғурта бозорининг юқори суръатларда ривожланиши башорат қилинмоқда.

Суғурталовчиларнинг фаолияти тижоратга асосланган, бинобарин, фойда олишга қаратилган экан, улар ҳар қандай рискларни суғуртага қабул қилавермайди. Бошқача сўз билан ифодалаганда, рисклар танланади. Рискларни танлаш - суғурта шартномасини тузиш бўйича мижозлардан келиб тушган таклифларни таҳлил этишга қаратилган суғурта компаниясининг фаолияти. Суғурта компаниясининг мувозанатлашган суғурта портфелини шаклланишида рискларни танлаш иборасини амалий жиҳатдан ишлатиш муҳимдир. Суғурта амалиётида рискларни танлаш ишини сюрвейерлар амалга оширади. Рискларни танлаш - бу риск менежмент соҳасида олиб бориладиган чора - тадбирларнинг бир қисмидир.

Темир йўл транспорти корхоналарининг мулкый манфаатларини суғурта қилишда қуйидаги рисклар асосий ролни ўйнайди.

Авария – арабча «*avarag*» сўзидан олинган бўлиб, шикаст, зиён деган маънони англатади. Авария транспорт воситасига, ташиш жараёнида юк ва транспорт воситасига етказилган зарар, зиён. Кўп сонли инсонлар ўлимига сабаб бўлган авария-ҳалокат дейилади. Денгиз ҳуқуқида кемага, юкга, фрахтга атайин ёки атайин бўлмаган ҳолда етказилган зарарга авария дейилади. Авария 2 га бўлинади: умумий авария, қисман авария. Умумий авария-кемани, фрахтни ва унда ташилаётган юкни қутқариш мақсадида юзага келган ҳамма харажатлар. Қисман авария-кема ёки юкнинг шикастланиши натижасида унга етказилган зарар. Одатда, қисман авариядан кўрилган зарарни қоплаш масъулияти бир томоннинг зиммасига тушади.

Бурон- 1) паст ҳароратли ҳаво шароитида пайдо бўладиган кучли шамол. Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисасини рўй беришига олиб келувчи ва риск даражасини оширувчи омил сифатида қаралади. 2) денгизда йирик тўлқинни келтириб чиқарувчи, куруқликда эса катта вайронагарчиликка сабаб бўлувчи жуда кучли шамол. Ер юзасида шамолнинг тезлиги 20 м/с дан ошади.

Дўл – атмосфера характеридаги ёғингарчиликнинг бир кўриниши; йилнинг илиқ вақтларида зич муз бўлаклари шаклида ёғади. Дўл қишлоқ хўжалик соҳасига катта зарар етказади, фуқаролик авиацияси ҳаракати учун ҳам хавф тўғдиради.

Зилзила – ер қаърида тўпланган энергияни отилиши натижасида пайдо бўладиган ер ости тулқинлари. Зилзиланинг давомийлиги баллар орқали аниқланади. Европа мамлакатларида 12-балли, Лотин Америкасида 10-балли, Японияда эса 7-балли шкаладан фойдаланишади. Жаҳонда кучли 2 та сейсмик зона мавжуд: тинч океан ва Ўрта ер денгизида.


Яшин (чақмоқ чақиши) – булутлар ва ер ўртасида кучли электр разрядлари ўртасида пайдо бўладиган атмосфера ҳодисаси. Яшин уриши ерда турли даражасдаги ёнғин ва бошқа фалокатларни келтириб чиқариши мумкин. Яшин уриши суғурта ҳодисаси сифатида баҳоланади ва суғурта қопламасини тўлашга асос бўлади.

Сув тошқини - қорнинг ҳаддан зиёд эриши ва кучли ёмғир ёғиши ёки жала қўйиши натижасида дарё, кўл ҳавзаларида сув сатҳининг кескин ошиши туфайли катта ҳажмдаги ер майдонини сув босиши. Ўзбекистонда, айниқса, баҳор фаслида тоғли ҳудудларда ва дарё ўзанида жойлашган ҳудудларда бундай ҳодисалар тез-тез учраб туради.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли қарорига биноан “Суғурта фаолияти классификатори” тасдиқланган. Ушбу классификаторнинг 8 ва 9-класслари

мос равишда “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш” ҳамда “Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш” деб аталади.

2-чизма



Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, суғурта шартномаси тузишдан олдин, суғурта ташкилотининг вакили суғурта ҳимоясига олинажак асосий воситаларни диққат билан кўздан кечириши шарт. Аммо, ҳамма жойда ҳам бу муҳим қоидага риоя этилмайди. Оқибатда, баъзи суғурталанувчилар суғурта объекти ҳақида нотўғри маълумотлар тақдим этиши мумкин. Мобода, суғурталанган мол-мулк ҳақида суғурта ташкилотига нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги маълум бўлса, бундай ҳолатда суғурталовчи суғурта ҳодисаси рўй берганда суғурта қопламасини тўламаслик ҳуқуқига эга бўлади.


Темир йўл транспорти корхоналарининг мулкни суғурта қилиш бўйича шартномалар тузишдан олдин, уларда бўш маблағ борми ёки йўқми эканлигини билиш муҳим аҳамиятга эга. Тажрибанинг кўрсатишича, тегишли шартномалар тузилади, корхоналарда маблағ етишмаслиги туфайли улар юридик кучга кирмасдан қолади. Суғурта шартномаси томонлар имзолагандан сўнг кучга киради, аммо суғурта ташкилотининг суғурта ҳодисаси рўй бериши оқибатида кўрилган зарарни қоплаш мажбурияти унинг ҳисоб-китоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушгандан сўнг бошланади. Бу ҳақда шартномада алоҳида кўрсатилади. Сабаби, суғурта мукофоти келиб

тушмасдан суғурта қопламасини тўлаш мантиқсиздир ва суғурта назариясининг фундаментал принципларига мос келмайди.

Темир йўл транспорти корхоналарининг мулкни ва бошқа асосий воситаларини ихтиёрий суғурта қилиш қоидаларига кўра, корхоналарга суғурта полиси улар томонидан суғурта ташкилотининг ҳисоб-китоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушгандан кейин шартномада келишилган муддатда берилади. Суғурта полиси- суғурта шартномаси тузилганлик фактини тасдиқловчи ҳужжат. Суғурта полисида қуйидаги реквизитлар бўлиши шарт: суғурта компаниясининг юридик манзили, суғурталанувчининг номи, суғурта объекти, суғурта бадалининг миқдори, шартноманинг амал қилиш муддати. Суғурта қопламасини тўлашда суғурталанувчи суғурта полисини суғурта компаниясига тақдим этиши зарур.

2-диаграмма

Ўзбекистон суғурта бозори бўйича тўланган суғурта қопламалари динамикаси⁴



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йилнинг 27 ноябридаги 413-сонли қарорида “мол-мулкни оловдан ва

⁴ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг маълумотлари.

табiiй офатлардан суғурта қилиш” 8-классга оид эканлиги кўрсатилган. Ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, зилзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турларининг жами ҳукумат қарори билан тасдиқланган “Суғурта фаолияти классификатори”нинг 8-классига мос келади. Дўл, калин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа вақеалар натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғурта турлари 9-класс доирасида амалга оширилади.

Суғурта ҳодисалари суғурталанувчиларнинг қўпол эҳтиётсизлиги, атайин ҳатти-ҳаракати натижасида содир этилса ва унинг натижасида мол-мулкка зарар етказилса, бу зарарлар суғурталовчи томонидан қопланмайди. Шу ерда сиёсий рискларни содир бўлиши оқибатида кўрилган зарарлар ҳам қопланмаслигини эслатиб ўтиш ўринли деб ҳисоблаймиз.

Темир йўл транспорти корхоналари мулкани суғуртаси бўйича суғурта суммаси мол-мулк баланс қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланади. Тариф ставкасини аниқлашда мол-мулкнинг жойлашган ўрни, эскирганлик ва риск даражаси каби омиллар ҳисобга олинади.

Ҳар қандай шартномада бўлгани каби, темир йўл транспорти корхоналари мулкани суғурталаш шартномасида ҳам унда иштирок этувчи томонлар тегишли ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. Чунончи, суғурталовчининг ҳуқуқига қуйидагиларни киритиш мумкин: суғурталанган мол-мулкнинг ҳолатини, сақланишини бутун суғурта шартномаси амалда бўлган даврда текшириш, суғурталанувчи томондан суғурта шартномаси шартлари бажарилмаганда уни бекор қилиш, мол-мулкларни зарарланишига ва нобуд бўлишига айбдор бўлган шахслар аниқланганда суғурта қопламасини улардан ундириб олиш ва бошқалар. Суғурта шартномасига мувофиқ, суғурталовчи шартномада белгиланган муддатда суғурта полисини суғурталанувчига бериши, суғурта ҳодисаси туфайли кўрилган зарарларни

аниқлаш ва уни қоплаш чора-тадбирларини кўриши шарт. Суғурта ташкилоти суғурталанувчининг мол-мулки ҳолатига оид маълумотларини сир сақлаши талаб этилади.

Темир йўл транспорти корхоналари - суғурталанувчилар сифатида суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан маслаҳатлар олиш, суғурталаш қоидалари билан танишиш каби ҳуқуқларга эга. Айни пайтда, суғурталанган темир йўл транспорти корхоналарининг мулки зарарланганда ёки нобуд бўлганда уни олдини олиш чора-тадбирларини кўриши зарур, суғурта шартномасида кўрсатилган муддатда суғурта мукофотини тўлашга мажбур. Акс ҳолда, суғурта шартномаси ўз кучини йўқотиши мумкин.

Темир йўл транспорти корхоналарининг мулкни суғурталаш суғурта ташкилотлари томонидан “Суғурта фаолияти классификатори”га мувофиқ, умумий суғурта тармоғининг 8-класси - “Мол-мулкни оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш”да қайд этилган шартларда, яъни ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, кўчки, тупроқнинг чўкиши, емирилиш, ер ости сувлари, сел, яшин уриши, zilзила, ядро энергияси таъсири натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари асосида амалга оширилади. Шунингдек, мазкур классификаторнинг 9-класси ҳам мол-мулкларни суғурта қилишга оид бўлиб, у “Мол-мулкни зарардан суғурта қилиш” деб аталади. 9-класснинг мазмуни 8-классда кўрсатилмаган дўл, қалин қор ёғиши ёки қаттиқ совуқ тушиши, бузиб кириб ўғирлик қилиш ва бошқа воқеалар натижасида мол-мулк йўқотилганда ёки шикастланганда суғурта қопламаси тўланишини таъминловчи суғуртанинг турлари жамидан иборат.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, темир йўл транспорти корхоналарининг мол-мулкни суғурта қилиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 8 ва 9-класслар бўйича лицензия олган барча суғурта ташкилотлари ҳақлидир.

Темир йўл транспорти корхоналарининг мулкани суғурта қилиш суғурталовчилар билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширилади.

Суғурта шартномаси - томонларнинг аниқ юридик ва молиявий муносабатларини белгилаб берувчи ҳужжатдир. Шартномада франшиза қўлланилиши мумкин. Франшиза – темир йўл транспорти корхоналариқўрган зарарнинг муайян қисми бўлиб, суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта ташкилоти ана шу қисм доирасида жавобгар бўлмайди ва у тўланиши керак бўлган суғурта қопламасидан чегириб ташланади.

Суғурталовчи юридик шахсга тегишли мулкларни ёнғин, zilзила, тошқин, сув босиши, қўчки, бўрон, ер чўкиши, ички санитария техникаси тизимлари бузилиши натижасида тўлиқ ёки қисман nobуд бўлганда суғурта қопламасини, суғурталанувчи бўлган корхоналар эса суғурта мукофотини ўз вақтида тўлаш ва шартноманинг бошқа шартларини бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Мана шу қайд этилган ҳолатлар суғурта ташкилоти ва темир йўл транспорти корхоналари ўртасида мулкни суғурталаш бўйича тузилган шартноманинг предметини ташкил этади.

I боб бўйича хулоса

Хулоса қилиб айтганда, мустақиллик йиллари республикамиз темир йўл транспорт тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича улкан ишлар амалга оширилди. Марказий Осиёда биринчи марта юқори тезлик билан ҳаракатланувчи “Талго” поезда қатнови Тошкент ва Самарқанд шаҳри ўртасида йўлга қўйилди. Темир йўл транспорти корхоналарини суғурта қилиш, ўз навбатида, ушбу тармоқни барқарор фаолият кўрсатишини таъминлайди.

II боб. Ўзбекистонда темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашнинг ҳозирги ҳолати ва ривожланиш тенденциялари

1. Темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкани суғурталашнинг амалдаги тартиби ва унинг таҳлили

Суғурта шартномасининг ижро этилиши суғурта мукофоти сутурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушган пайтдан эътиборан бошланади ва шартнома муддати тугагунга қадар давом этади. Сўнг суғурта полиси суғурталанувчига шартномада кўрсатилган муддат ичида берилади.

Темир йўл транспорти корхоналарининг ҳамда суғурталовчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади.

Суғурталанувчи бўлган темир йўл транспорти корхоналарининг мажбуриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғурта объектини кўздан кечириш учун имконият яратиб бериш;
- суғурта мукофотларини ўз вақтида тўлаш;
- шартнома тузилаётганда суғурталовчига суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамият касб этувчи ўзига маълум барча ҳолатлар ҳақида, шунингдек мазкур суғурта объекти бўйича тузилган ёки тузилажак ҳамма суғурта шартномалари тўғрисида маълумот бериш;
- суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанган мулкига зарар етказилишининг олдини олиш ва зарарни камайтириш учун зарур чораларни кўриш ва суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида суғурта шартномасида кўрсатилган муддатларда хабар бериш.


Темир йўл транспорти корхоналари суғурталанган мулкани кўздан кечириш учун суғурталовчига тақдим қилиши ёки мулкнинг барча зарарланган қисмларининг фотосурати ёки видео суратини олдириши ва тиклаш ишлари бошлангунга қадар ўзи қиладиган ишларни суғурталовчи билан келишиб олиши керак.

Темир йўл транспорти корхоналари қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- бутун мулкни ва айрим объектларни томонларнинг қўшимча келишуви ёки янги суғурта шартномаси шартлари асосида қўшимча суғурталаш;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;
- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари борасида маслаҳатлар олиш;
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

3-диаграмма

“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари динамикаси⁵



Шуни алоҳида таъкилдаш керакки, “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси республикаimizдаги етакчи суғурта компанияларидан бир сифатида темир йўл транспорти тизими айрим корхоналарини суғуртавий ҳимояга олишда иштирок этиб келади. Шундан келиб чиқиб, биз

⁵ “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси маълумотлари.

қуйида ушбу компания бўйича келиб тушган суғурта мукофотлари тушумини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз (3-диаграммага қаранг)

Диаграммадан кўриниб турибдики, 2011 йилда “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бўйича жами 14894,8 млн.сўм миқдорида суғурта мукофотлари тўпланган. Бу ўтган 2010 йилнинг тегишли кўрсаткичидан 126,2 фоизга кўп демакдир.

Темир йўл транспорти корхоналари олдида суғурта шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисини бериш ва шартнома тузишда асосланилган суғурталаш қоидалари билан таништириш;
- суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома асосида суғурта қопламаси тўлаш;
- суғурталанувчи билан бўладиган муносабатларда махфийликни таъминлаш.

Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- агар суғурта ҳодисаси:
 - а) суғурталовчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқариш учун атайлаб қилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида юз берган бўлса;
 - б) суғурталанувчи таваккалчиликдаги жиддий ўзгаришлар ҳақида суғурталовчини бохабар қилган бўлмаса;
 - в) суғурталанувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига хабар бермаган ёки етказилган зарар тафсилотлари, тури ва миқдорини аниқлашда суғурталовчи ёхуд унинг вакили иштирок этишига тўсқинлик қилган бўлса;
 - г) суғурталанувчи зарарни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, суғурта товони тўлашни рад этиш;
- суғурта шартномасининг муддати мобайнида суғурталанган мулкнинг аҳволи ва қийматини, шунингдек суғурталанувчи ўз мулки ҳақида маълум қилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш;

- суғурталанувчидан суғурта ҳодисаси ҳақида хабар келишини кутиб ўтирмасдан, суғурта ҳодисаси етказган зарарни кўздан кечириш ва баҳолашга киришиш;

- суғурта ҳодисаси юз бериш хавфининг даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Суғурталанувчи бўлган темир йўл транспорти корхоналари суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатда тўламаганда шартнома юридик кучини йўқотиши мумкин.

Агар суғурталанган мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишига қуйидагилар сабаб бўлса суғурта ташкилоти суғурта жавобгарлигидан озод этилиши мумкин:

а) суғурталанувчининг мажбуриятлари кучга киргунга қадар мулкда мавжуд бўлган ҳамда суғурталанувчи ёки унинг вакилларига маълум бўлган камчилик ва нуқсонлар;

б) суғурталанган мулкдан фойдаланиш қоидаларининг суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан бузилиши натижасида зарар етказилиши;

в) суғурталанувчининг ёки унинг шартнома бўйича суғурталанган мулк ишониб топширилиши мумкин бўлган ходимларидан, вакилларида ёки бошқа шахслардан бирининг эҳтиётсизлиги, виждонсизлиги, носамимийлиги, шунингдек мулкка мулкдорлик ёхуд эгалик ҳуқуқининг қаллоблик йўли билан бошқа шахсга ўтказилиши;

г) доимий таъсир кўрсатувчи фойдаланиш омиллари (эскириш, занглаб чириш) ва об-ҳаво омиллари таъсирида ёхуд суғурталанган нарсалардан фойдаланмаслик оқибатида аста-секин зарарланиш;

д) суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;

е) енгил алангаланадиган модда ва материалларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;

з) суғурталанувчи зарарланган нарсаларни ёки уларнинг қолдиқларини суғурталовчига кўрсатишдан бош тортган тақдирда, бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган нарсалар бундан мустаснодир;

и) уруш ёки уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилингани-қилинмаганидан қатъи назар), ғалаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, ноқонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш, суиқасд, қўпоровчилик ҳаракати, амалда ёки қонуний мавжуд бўлган ҳукуматнинг ёки бирор ҳокимият органининг фармойиши билан мусодара қилиш, реквизиция, бузиш ёки зарарлантириш, ядро реакцияси, ядро нурланиши ёхуд радиоактив зарарланиш.

4-диаграмма

“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бўйича тўланган суғурта қопламалари динамикаси⁶




Диаграмма маълумотларидан кўриниб турибдики, 2006-2011 йилларда “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси бўйича тўланган суғурта қопламалари миқдорида доимий ўсиш тенденцияси кузатилган. Масалан, 2006 йилда компания томонидан суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш учун жами 298,9 млн.сўм суғурта

⁶ “Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компаниясининг маълумотлари.

копламалари тўланган бўлса, 2011 йилга келиб бу кўрсаткич 2508,0 млн.сўмга тенг бўлган ёки ўсиш суръати 8,4 мартани ташкил этган.

Ички санитария техникаси тизимлари бузилганда қуйидаги ҳолларда суғурта ташкилоти етказилган зарар учун жавоб бермайди:

а) агар фалокат суғурталанувчининг эҳтиётсизлиги ёки ношуд ҳатти-ҳаракатлари туфайли юз берган бўлса;

б) башарти фалокат учинчи шахсларнинг атайлаб қилган ёки атайлаб қилмаган ҳатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган бўлса;

Суғурта копламаси суғурталанувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги ёзма аризаси, шунингдек ваколатли органлардан олинган тегишли ҳужжатлар асосида тўланади. Бундай ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги суғурталовчига ушбу ҳужжатлар билан тасдиқланмаган зарар учун товон тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси содир бўлгани ҳақида ариза бергач, комиссия тузилиб, унинг таркибига суғурталанувчининг, суғурталовчининг, зарур ҳолларда эса ваколатли ташкилотларнинг ҳам вакиллари киритилади.

Комиссия муайян муҳлат ичида зарарланиш сабаблари ва микдорини аниқлайди. Комиссия суғурта ҳодисасини эътироф этган тақдирда йўқотиш ва зарарлар микдори, шунингдек тўланиши лозим бўлган суғурта копламасининг микдори аниқланади. Томонлар буни далолатномада қайд этадилар.

Мазкур далолатнома суғурталанувчига суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланиши учун асос бўлади.

Зарар сабаблари ва микдори хусусида томонлар ўртасида низолар пайдо бўлган ҳолларда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

Суғурталанувчи зарарни қоплаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

-суғурта ҳодисаси юз берган сана ва унинг тавсифи;

-суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталанувчи қилган ишлар;

-зарар миқдори ва суғурталанувчи даъво қилаётган суғурта товонининг миқдори. Бунда тегишли рўйхат ва сумма кўрсатилиши керак;

-зарарни қоплаш учун учинчи шахслардан олинган товон миқдори.

Мабодо зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суд қарорига кўра зарар айбдор шахс томонидан қопланадиган бўлса суғурталанувчи суғурта товони олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қуйидаги ҳолларда суғурта товони тўланмайди:

-агар суғурталанувчи зарар етказилишига олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни атайлаб ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли содир этган ёки уларга йўл қўйган бўлса;

-башарти зарар келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширилаётган бўлса, текширув тамом бўлгунга қадар.

Мабодо суғурталанувчи ёки наф олувчи шахс зарар учун айбдор ёки учинчи шахслардан товон олган бўлса, суғурталовчи суғурта шартларига кўра тўланиши лозим бўлган пул билан айбдор ёхуд учинчи шахслардан олинган пул ўртасидаги фарқнинг ўзини тўлайди.

Шартнома имзолагандан сўнг таваккалчилик даражасида рўй берган ва суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини оширадиган барча ўзгаришлар суғурталовчига суғурта шартларини ўзгартириш ҳамда қўшимча суғурта мукофоти тўланиши талаб қилиш ҳуқуқини беради. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлашдан бош тортган тақдирда мазкур шартнома юридик кучини йўқотади, тўланган суғурта мукофоти эса қайтариб берилмайди.

Шартномада келишилган зарарларни қоплаш учун суғурталовчи томонидан амалга оширилган ҳар бир тўлов мажбуриятлар чегарасини ана шу тўлов миқдорида, аммо агар масъулият чегарасини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, далолатномада қайд этилган зарар миқдоридан кўп бўлмаган ҳажмда камайтиради.

Шартнома томонлар унда кўрсатилган мажбуриятларини бажармай кўйгунарига қадар кучда бўлади.

Томонлардан бирининг камида 30 кун олдин бериладиган ёзма аризасига биноан шартнома исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Агар суғурталанувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишини маълум қилса, суғурта мукофоти унга қайтарилмайди.

Суғурта шартномаси бекор қилинишини суғурталовчи талаб этган тақдирда:

а) суғурталанувчига суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб миқдорда қайтарилади, бунда ўтган даврда қилинган харажатлар суғурта мукофотидан ушлаб қолинади;

б) башарти суғурта шартномаси бекор қилинишининг талаб этилишига ушбу шартномада қилишилган шартларнинг суғурталанувчи томонидан бузилиши сабаб бўлса, фақат суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб миқдорда қайтарилади.

Суғурта товони тўлаш ҳақида далолатнома тузилгандан кейин суғурталанувчининг зарар етказилиши учун жавобгар шахсларга нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўланган пул миқдорида суғурталовчига ўтади. Бунда суғурталанувчи айбдор шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни суғурталовчига бериши шарт.

Суғурталанувчи зарар етказган шахсга бўлган даъвосидан ёки унга нисбатан бўлган талабларнинг амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечганда, шунингдек регресс талабни қўйиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни суғурталовчига беришдан бош тортганда суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек пролонгация, бекор қилиш ёки тўхтатиш томонларнинг розилиги билан ўзаро хабар берилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилмоғи даркор.

Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи барча низо ва қелишмовчиликлар томонларнинг музокара олиб бориши йўли билан ҳал

этилади, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса тегишли муддат ичида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қараб чиқиш учун ҳўжалик судига оширилади.

2. Темир йўл транспорти корхоналари ишчи-хизматчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталашнинг ўзига хос хусусиятлари

Маълумки, темир йўл транспорти корхоналарида минглаб ишчи-хизматчилар фаолият кўрсатади. Темир йўл транспорти корхоналарининг фаолияти мураккаб технологик жараён бўлиб, унда фаолият кўрсатаётган ишчи-хизматчиларнинг техника хавфсизлиги қоидаларига риоя этишлари муҳим ҳисобланади. Аммо, тажрибанинг кўрсатишича, меҳнат фаолиятини амалга ошириш чоғида эҳтиётсизлик ёхуд бахтсиз ҳодисалар содир бўлиши оқибатида ишчи-хизматчиларнинг саломатлигига шикаст етиши мумкин. Бундай ҳолатлар содир бўлиши натижасида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашда суғурта воситасидан самарали фойдаланиш катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда умумий суғурта ва ҳаёт суғурта тармоғида фаолият кўрсатаётган барча суғурта компаниялари фуқаролар ва корхоналар, шу жумладан электр темир йўл транспортиси корхоналарини ишчи-хизматчиларини бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича хизматларни кўрсатиш имкониятига эга.

Бахтсиз ҳодисалардан суғурта фуқароларнинг ҳаёти ёки саломатлигига зиён етказилиши муносабати билан уларнинг мол-мулк манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ.

Анъанага кўра бахтсиз ҳодисалардан суғуртада суғурталаш учун қабул қилинадиган қуйидаги хатарларни (ёки объектларни) ажратиб кўрсатилади:

- суғурталанувчининг (суғурталанганнинг) вафоти;
- меҳнат лаёқатининг вақтинчалик йўқотилиши;
- меҳнат лаёқатининг доимий йўқотилиши.

Юқорида санаб ўтилган барча ҳолатларда суғурта хатарининг содир бўлиши суғурталанувчининг (суғурталанганнинг) даромадлари, ёки кенгрок маънода таърифлайдиган бўлсак, суғурталанувчининг оилавий даромади камайиши билан боғлиқ.

Бахтсиз ҳодисалардан суғуртанинг ўзига хослиги суғурталаш учун қабул қилинаётган суғурта хатарини баҳолаш мушкул эканлигидадир. Дарҳақиқат, боқувчиси (суғурталанувчи) вафот этган ҳолатда оиланинг мулкӣ манфаатларига етган ҳақиқӣ зарарни қандай баҳолаш керак? Шубҳасиз, суғурталанувчининг вафот этган пайтдаги иш ҳақининг миқдори, унинг ёши, меҳнат лаёқатининг сақланиб қолишининг эҳтимолдаги салоҳияти ва бошқа омилларни ҳисобга олиш шарт. Ана шундай ҳисоб-китобларнинг мураккаблиги сабабли, бахтсиз ҳодисалардан суғурталашни ўтказиш чоғида суғурта ташкилотининг мажбуриятлари ва суғурталанувчининг манфаатлари суғурта хатари содир бўлган тақдирда етказилиши эҳтимол тутилган ҳақиқӣ зарарни шартли равишда ифодалайдиган суғурта суммаси билан баҳоланади.

Юқорида санаб ўтилган тўртта асосӣ суғурта хатарларидан ташқари яна бир муҳим унсур ҳам борки, у суғурталанувчиларнинг хатарга оид манфаатларини жамғарма манфаатлари билан қўшиб олиб бориш имконини беради. Бу суғурталанувчининг ёки суғурталанганнинг суғурта муддати тугагунга қадар умр кўришидан манфаатдорликдир. Бунда ана шу ёки бошқа турдаги суғурталашни ўтказиш шартлари бўйича суғурта жавобгарлиги таркибига киритиладиган қўшимча суғурта хатари (суғурта ҳолати) ҳам мавжуд. Бу – суғурталаш шартларига оид шундай бир жиҳатдирки, тармоқнинг обрў-эътиборлиги белгилаб беради, зеро суғурталаш шартларида хатар ва жамғармага оид унсурларини уйғунлаштириш, одатда ҳаёт суғуртасини аҳоли назарида ниҳоятда жозибадор қилади.

Қоидага кўра, суғурта муддати тугайдиган вақтда суғурта суммасининг тўпланиб қолиши кафолатланган шароитдагина жамғарма манфаати фуқароларга манзур бўлиши мумкин. Ўринли савол туғилади: нима сабабдан фуқаро муайян муддат давомида жамғарма тўплашнинг тури сифатида нима

сабадан айнан суғурта шартномасини тузишдан фойдаланади? Жавоб катъий. Аввало шу сабаблики, суғурта суммасининг тўпланиб бориши, суғурта шартномасини тузиш чоғида суғурта компанияси тавсия этаётган муайян суғуртанинг хусусиятига караб, ўлим ҳолати хатари, меҳнат лаёқатини йўқотиш хатари ва шу каби хатарлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, суғурта компаниялари ҳаёт суғуртаси бўйича шакллантириладиган суғурта захираларини инвестициялар экан, суғурталанувчиларга фақат суғурта суммасини тўлаб берилишини эмас, балки муайян миқдордаги қўшимча маблағлардан иборат қўшимча бонус тўланишини ҳам кафолатлайдики, бу нарса суғурталанувчиларни ўз маблағларини худди ана шу йўл билан жамғаришлари учун рағбат уйғотади. Шу сабабли ҳам суғурталанувчида суғурта суммасини тўлаб бериш шarti билан суғурта муддати тугагунга қадар умр кўриш суғуртаси шартномаси тузиш иштиёқи, айнан ўшанча суммани бошқа молия институти (банк, инвестиция жамғармаси ва ҳ.к.) орқали тўплашга нисбатан баланд бўлади. Худди ана шу унсурларнинг мужассам бўлиши боисидан, ҳаёт суғуртаси кўпинча қандай бошқа жамғармаларга нисбатан анча жозибадорлигини тасдиқлаш имконини беради.

Суғуртанинг уч соҳаси ажратиб кўрсатилади: шахсий суғурта, мол-мулк суғуртаси ва жавобгарлик суғуртаси. Бахтсиз ҳодисалардансуғурта суғурталашнинг тармоғи сифатида иккита шахобчага - ҳаёт суғуртаси ва саломатлик суғуртасига ажралади. Саломатлик суғуртаси ўз навбатида суғурта фаолиятининг иккита асосий турлари – бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва тиббий суғурталашга бўлинади. Бахтсиз ҳодисалардансуғурта: ҳаётни суғурталаш ва саломатлик суғурталарини қуйи табақаларга бўлиниш тамойиллари қандай? Қуйи тармоқларга ажратишнинг асосий белгиси суғурта суммасини тўплаш билан боғлиқ. Ҳаёт суғуртаси бахтсиз ҳодисалардан суғуртанинг суғурта муддати давомида суғурта суммасининг тўпланиши билан боғлиқ турларини ўзида мужассам этган. Худди шу сабабли “ҳаёт суғуртаси” бахтсиз ҳодисалардан суғуртанинг жамғарма

турларини (ҳолбуки, жаҳон суғурта тажрибасида бундай атама мавжуд эмас, бу янгилик миллий ҳисобланади) мужассам этса, “саломатлик суғуртаси” куйи табақаси эса бахтсиз ҳодисалардан суғуртанинг хатарга оид турларини бирлаштиради.

Суғурта муддати давомида суғурта суммасини тўплашнинг ўзига хослиги нимада? Суғурта муддати тугагунча умр кўриш эҳтимолига асосланган бундай суғурталаш чоғида бутун суғурта муддати давомида нетто-ставкалари ҳисобига (уларни ҳисоблаб чиқишда суғурталанувчининг (суғурталанганнинг) ёши ҳисобга олинади), суғурта муддати тугагунча ўтган бир кейинги йилигача умр кўрган суғурталанувчилар жамғариб борилган нетто-ставкаларининг йиғиндисига эга бўладилар, бу эса мазкур ёш гуруҳи бўйича суғурталанувчи (суғурталанган) вафот этган ҳолда суғурта суммасининг тўлаб берилишини кафолатлайди.

Хатарга оид турларда эса захиралар бошқача шакллантирилади. Нетто-ставка суғурта тарифини ва суғурта захираларини шакллантириш билан боғлиқ молиявий муносабатларни ҳисоблаб чиқиш фақат суғурта хатари содир бўлиши эҳтимолига асосланади, бунда суғурта шартномаси амал қилиб турган муддат ичида суғурта тарифининг нетто ставкаларини тўплаб (жамғариб) бориш кўзда тутилмайди ва суғурта шартномасини тузиш чоғида суғурталанувчининг ёшига боғлиқ бўлмайди. Умумий қоидадан биргина истисно бўлиши мумкин, у ҳам бўлса Германияда ўтказиладиган ихтиёрий тиббий суғурта бўлиб, бунда етарли даражада узок чўзиладиган суғурта муддати давомида суғурталанувчи томонидан тўлаб бориладиган суғурта мукофотининг миқдори унинг саломатлиги билан боғлиқ хатар хусусиятларидан ташқари, суғурталанувчининг шартнома муносабатларига киришаётган пайтдаги ёшига ва суғурта шартномаси амал қиладиган муддатга ҳам боғлиқ бўлади.

Биринчи ва иккинчи ёндашувлар ўртасидаги фарқни намоёниш этиш анча осон: агар суғурталанувчи тиббий суғуртани бир йил муддатга тузаётган бўлса, суғурта ҳодисаси содир бўлиши хатари ҳам бу ҳолда суғурталаш

муддати ичига киради, мазкур ҳолатда бу бир йилдан иборатдир; суғурталанувчи суғурта шартномасини бир мунча узоқроқ муддатга тузса, суғурта ҳодисасининг содир бўлиш хатари суғурта шартномаси амал қиладиган бутун давр ичига “тахланади”. Суғурта компаниясида шу тарзда йиллик суғурта бадалларини ҳисоблаб топиш имкони туғилади ва шу орқали у зарур суғурта заҳирасини тўплаш имконига эга бўладики, ана шу заҳира ўз навбатида тиббий суғурта шартномалари бўйича унинг бутун амал қилиш муддати давомида суғурта қопламасини ва товон тўловларини тўлаб бориш имкониятини яратади.

Аммо бу ҳаёт суғуртаси борасида англашилиши зарур бўлган маънодаги суғурта суммасини тўплаш бўлиб ҳисобланадими? Мутлақо, йўқ. Чунки ҳаётни суғурталашда суғурта суммасини тўплаш ана шу суммани суғурта шартномаси муддати тугаган пайтда тўланишини назарда тутди. Қатъий қилиб айтганда, “умр кўриш” нетто-ставкалари суғурта шартномасининг бутун амал қилиш муддати давомида айнан шу мақсадда тўплаб борилади. Тиббий суғуртанинг юқорида келтирилган алоҳида шартлари, суғурта суммасини суғурта шартномаси муддати тугаганда тўланишини кўзда тутмайди. Сабаб? Фақат шунинг учунки, суғурта жамғармасини тўплашнинг бу услубида нетто-ставканинг хатарга мўлжалланган қисмини тўплаш суғурта шартномасининг амал қилиш муддати анчагина «узун» бўлган тақдирда мумкин бўлади.

Шундай қилиб, ишонч билан тасдиқлашимиз мумкинки, суғурта фаолиятининг икки йирик турга: бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва тиббий суғуртага бўлинувчи хатарга оид суғурталаш турларига нисбатан ҳаётни суғурталаш суғурта суммасини суғурта муддати давомида тўпланишини кўзда тутди.. Суғурта муддати давомида суғурта суммасини тўплаш ҳамша суғурталанувчи ёки фойдасига суғурта шартномаси тузилган суғурталанган шахс, биринчидан, суғурта муддати тугаганидан кейин суғурта суммасини олиш ҳуқуқига, иккинчидан, у суғурта шартномаси муддатидан аввал тўхтатилган ҳолда харид суммасини олишга ҳақлидир. Харид суммаси нима?

Харид суммаси бу – суғурта шартномаси бекор қилингунга қадар суғурта бадалларининг тўлаб қўйилган бир қисмидир. Нима сабабдан бир қисми? Чунки суғурта тарифи таркибига суғурта компаниясининг суғурта ишини юритиш харажатларини қоплаш учун махсус қўшимча ҳақ тўловлари ҳам киритилган, табиийки, суғурта ишини юритиш жараёнида ишлатиб бўлингани сабабли, у суғурталанувчига қайтариб берилмайди. Суғурталовчининг мазкур суғурта тури бўйича жавобгарлигининг ҳажмидан катъий назар суғурталанувчи тўлаб берилган суғурта бадалларидан шартнома кучга кирган пайтдан бери ўтган давр ичида тўлаб қўйилган нетто-ставкалар миқдоридаги қисmini олиши мумкин.

Айтайлик, ана шу турдаги суғурталаш бўйича суғурталовчининг жавобгарлик ҳажми худди ҳаётни аралаш суғурталашнинг классик кўринишидаги сингари қуйидагиларни: биринчидан: суғурта шартномаси муддати тугаган пайтда суғурта суммаси тўланишини, иккинчидан, суғурта суммасини суғурталанувчи суғурта шартномаси амал қилиб турган муддат ичида вафот этган тақдирда тўланишини ҳамда вақтинчалик меҳнатга лаёқатсизлик ҳолатларида турли шаклдаги товон ҳақи (бу жадвал асосидаги нафақалар ёки кундалик нафақалар бўлиши мумкин) тўланишини кўзда тутади. Шу сабабли, суғурта тарифининг нетто-ставкаси жами учта нетто-ставкадан ташкил топади: умр кўриш нетто ставкаси, вафот қилган тақдирдаги нетто-ставка, меҳнат лаёқатини вақтинчалик йўқотиш нетто-ставкаси.

Суғурталанувчининг харид суммасини олиш ҳуқуқи тўғрисида сўз кетар экан, бунда фақат суғурта шартномаси амал қилиб турган муддатда тўланган нетто-ставкалар суммаси кўзда тутилади, чунки суғурта суммасининг суғурталанувчига шартнома муддати тугагач тўлаб бериладиган сумма миқдори шу тарзда тўпланади. Вафот муносабати билан боғлиқ нетто-ставка ва меҳнат лаёқатини вақтинчалик йўқотиш билан боғлиқ нетто-ставка хатарга оид “юкланиш”га ҳам эга: хатар жамғармаси суғурта шартномаси амал қилиб турган муддатда шакллантирилади ва суғурта муддати тугаши

билан вафот этган ёки меҳнат лаёқатини вақтинчалик йўқотган суғурталанувчиларга суғурта шартномасининг амал қилиш муддати ичида тўлаб бериш учун сарфланиши шарт. Зеро, суғурта захираларни шакллантириш ва улардан фойдаланишнинг энг муҳим қоидаси – нетто-ставкалар миқдорида келиб тушаётган суғурта захираларининг ва тўлаб берилаётган суғурта суммаларининг (нафақаларнинг) суғурталаш даврида бир хил бўлиши шартлигидадир. Суғурталаш бўйича барча ҳисоб-китоблар худди ана шу тамойилга асосланади.

Бахтсиз ҳодисалардан суғурталашни суғурта фаолиятининг турларига кўра таснифлаш: ҳаёт суғуртаси, бахтсиз ҳодисалардан ва касалликлардан суғурталаш, тиббий суғурта суғурта турларини таснифлашнинг замирини ташкил этади, бундан пастроқ поғонада тасниф йўқ. Масалан, ҳаёт суғуртаси умр кўриш суғуртасини, вафот этиш ҳодисасига узоқ муддатли суғурталашни, аннуитетлар суғуртасини ва шу кабиларни ўз ичига олади. Суғурта суммасини тўплаш билан боғлиқ ҳаётни суғурталашнинг муайян турлари ниҳоятда кўп бўлиши мумкин. Шу каби бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда ва тиббий суғуртада ҳам: бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш, йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва шу каби турлар мавжуд. Жавобгарликнинг ҳам турли шаклларини кўзда тутиш мумкин: масалан, бахтсиз ҳодисалардан суғурталашда меҳнат лаёқатини вақтинчалик йўқотиш ҳолати суғуртаси ва меҳнат лаёқатини доимий йўқотиш ҳолати суғуртаси бўлади. Суғурта турлари бўйича майда таснифларга ажратиш белгилари хилма-хил бўлади. Тиббий суғуртада амбулатория ёки стационар харажатлари билан боғлиқ суғурталар, иккала хатарни ҳам суғурта жавобгарлигига қўшилган суғурталаш, шунингдек, аниқ бир касалликни даволаш билан боғлиқ суғурталаш бўлиши мумкин; дори-дармонларни сотиб олиш билан боғлиқ жавобгарликнинг турли ўзига хос комбинациялари ҳам кўзда тутилиши мумкин ва ҳ.к. Ҳаммаси суғурта турлари қайси белгиларига кўра таснифланётганлигига боғлиқ.

Нима сабабдан бунга эътибор ажратиш лозим? Бунинг сабаби иккита.

Биринчи сабаб, амалий жиҳатга эга ва суғурта фаолиятини лицензиялаш шартлари билан боғлиқ. Бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш бўйича лицензия олиш учун суғурта компанияси Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясига суғурталаш қоидаларини, намунавий суғурта шартномаларини тақдим этиши шарт. Ана шу қоидалар асосида, шунингдек суғурта тарифларининг, “суғурта сиёсати”нинг иқтисодий асослари тўғрилигини текшириш натижалари асосида компанияга ҳаётни суғурталашни ўтказиш учун лицензия берилади. Бунинг маъноси шуки, компания кейинчалик суғурта турлари рўйхатини кенгайтирадиган бўлса, масалан, пенсия суғуртаси ёки аннуитетлар суғуртасини киритадиган бўлса, янги лицензия олиши керак эмас, чунки ҳаётни суғурталашга ва суғурта суммасини тўплашга оид барча суғурта турларини ўтказиш учун лицензия олинган. Шу билан бир қаторда, тарифларни янгича ҳисоблаш билан, суғурта жавобгарлигининг янги ҳажми билан боғлиқ бўлган ҳаётни суғурталашнинг янги турини жорий этилганда Махсус ваколатли давлат органи томонидан суғуртанинг янги тури бўйича қоидалар саводли тузилганлиги ҳамда суғурта тарифлари суғурта жавобгарлиги ҳажмига ҳамда жавобгарлик шаклига мос эканлиги тўғрисидаги маъқуллов номасини олиш зарур. Бахтсиз ҳодисалардан, касалликдан суғурталашда, тиббий суғуртада ҳам худди шу каби йўл тутилади. Агар бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва касалликлардан суғурталаш учун лицензия олинган бўлса, лицензия олиш учун тақдим этилган ҳужжатларда кўртсатилмаган янги турдаги суғурта киритилган чоғда янги лицензия олиш зарурати туғилмайди, аммо Махсус ваколатли давлат органига янги турдаги суғурта киритилгани тўғрисида хабардор этилиши ва суғуртанинг янги қоидаларини ва тарифларини маъқуллаштириш шарт.

Суғурта ташкилоти учун ниҳоятда муҳим ҳисобланган иккинчи сабаб янги суғурта маҳсулотини ишлаб чиқиш чоғида, аввало, истеъмолчи ва унга хос бўлган суғурта хатарини, шунингдек жавобгарликка эга бўлиш шаклини, яъни суғурта тўловлари қандай шаклда амалга оширилишини аниқ белгилаб

олиниши билан боғлиқ. Бир қарашда меҳнат лаёқатини доимий йўқотиш анча кенг тарқалган хатарлардан бири. У фуқароларнинг қайси тоифалари учун манфаатлироқ эканлигини, суғурта жавобгарлиги даражасини – 1, 2, 3-гурух ногиронлик орқалими ёки доимий меҳнат лаёқатини йўқотиш фоизларидами, ва ниҳоят нафақаларни тўлаш шаклини – бир марта тўлаб бериладиган нафақаи ёки пенсиянинг муайян давридаги тўловларми эканлигини аниқлаб олиш зарур. Суғурта ташкилоти мана шу асосий мезонларга аниқлик киритиб олгач, суғурталашни ўтказиш шаклини- бахтсиз ҳодисалардан ёки жамоа суғуртаси эканлигини танлаш даркор. Юқорида санаб ўтилган шароитларга боғлиқ равишда суғурталаш қоидаларини ишлаб чиқиш ва суғурта шартномасида иштирок этувчи томонларнинг мажбуриятларини белгилаш керак бўлади.

II боб бўйича хулоса

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси республикаimizдаги йирик ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишга ихтисослашган ҳаракатдаги темир йўл локомативлари, ушбу локомативларни капитал ва жорий таъмирлаш заводлари ҳамда бошқа қўшимча тузилмаларга эга ташкилот ҳисобланади. Шу нуқтаи назардан, темир йўл транспорт тизими корхоналари мол-мулкини ҳамда уларда меҳнат қилаётган 50,0 мингдан зиёд ишчи-хизматчиларни суғуртавий ҳимояга олинишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Бунда тегишли суғурта шартномаларини расмийлаштириш, суғурта полисларини тақдим этиш жараёнларини чуқур тушуниш асосий йўналишлардан бири ҳисобланади.

III боб. Темир йўл транспорти корхоналарини суғурта йўли билан химоялашнинг муаммолари ва истикболлари

1. Темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкни суғурталаш тизимини такомиллаштириш

Темир йўл транспорти корхоналарининг мол-мулкни суғурта қилишдан асосий мақсад суғурта ҳодисалари рўй берганда кўрилган зарарларни қоплашдан иборат. Зарарларни қоплаш таъминловнинг моҳияти шундаки, суғурталанувчи суғурта ҳодисаси рўй бергандан сўнг шундай молиявий ҳолатда бўлиш зарурки, бу ҳолат суғурта ҳодисаси рўй беришидан олдинги корхонанинг молиявий ҳолатидан фарқ қилмаслиги зарур. Шу сабабли, суғурталанган мол-мулкнинг қиймати ва суғурта суммасини аниқлаш билан боғлиқ муаммо пайдо бўлади.

Суғурта суммаси бу шундай суммани ташкил этадики, ана шу суммага суғурта шартномаси бўйича суғурталовчи жавобгарликка эга бўлади. Темир йўл транспорти корхоналарининг мол-мулкни суғурта қилишда суғурта суммасининг энг юқори миқдори суғурта манфаатининг қиймати билан аниқланади. Бунга алоҳида эътиборни қаратиш зарур. Зарарни суғурта қилишда суғурта предмети сифатида ҳар қандай нарса эмас, балки мулкдорнинг ўз мулкни сақлашга бўлган манфаати қаралади. Одатда, суғурта манфаатини баҳоси суғурталанаётган мулкнинг сифатига бевосита боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, суғурта қиймати - эскириш қиймати чегириб ташлангандан кейин мол-мулкнинг тиклаш қийматидир.

Суғуртанинг классик концепцияси шундан иборатки, шартнома бўйича суғурта суммаси мол-мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаслиги зарур. Амалиётда шундай ҳолатлар бўлиши мумкинки, суғурта суммаси суғурталанаётган мол-мулкнинг қийматидан анча баланд бўлиши мумкин. Бундай ҳолатда суғурталовчи суғурталанувчидан суғурта суммасини мол-мулкнинг ҳақиқий қийматигача камайтиришни талаб этишга ҳақли. Агар,

суғурта суммаси унинг ҳақиқий қийматидан ошганлиги суғурталанувчининг, яъни мижознинг атайин хатти-ҳаракатлари натижасида содир бўлганлиги маълум бўлса, бу ҳолда суғурталовчи темир йўл транспорти корхонаси билан тузилган суғурта шартномасини бекор қилишга ҳақлидир.

Темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкни суғурта қилишда суғурта мукофоти бир йўла тўлиқ ёки бўлиб-бўлиб тўланиши мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам суғурта мукофоти олдиндан тўланиши зарур. Суғурта суммаси суғурталанаётган мол-мулкнинг қийматидан кам бўлиши ҳам мумкин. Яъни, юридик шахсга тегишли мол-мулк қийматининг муайян қисми суғурталанмасдан суғурталанувчининг зиммасида қолиши мумкин.

Суғурта амалиётида шундай ҳолатларни ҳам учратиш мумкинки, битта суғурта объекти бир неча марта суғурта қилиниши мумкин. Бундай ҳолатда суғурта суммаси суғурта объектининг қийматидан бир неча баробар ортиқ бўлиши мумкин. Табиийки, суғурта ҳодисаси содир бўлгандан кейин корхона мол-мулкнинг суғурта суммасига нисбатан бир неча марта кўп суғурта қопламаси олади. Бу икки томонлама суғурта бўлиб, унинг асосий мақсади ноқонуний бойлик орттиришга қаратилгандир. Икки ёқлама суғуртадан қутулиш учун суғурта ташкилотлари суғурта қоидаларида шундай шартни кўрсатиб ўтадиларки, унга кўра суғурталанувчи суғурталанаётган мол-мулкни илгари қайси суғурта ташкилотларида суғурта қилдирганлиги тўғрисидаги барча маълумотларни суғурталовчига тақдим этиши шарт.

Агар икки ёқлама суғурта шартномаси суғурталанувчи томонидан атайин бойлик орттириш мақсадида тузилган бўлса, суғурталовчи суд орқали ушбу шартномани бекор қилиши мумкин.

Темир йўл транспорти корхонаси ва суғурталовчи ўртасида тузилган суғурта шартномасида томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари акс эттирилади.

Суғурталанувчи бўлган юридик шахснинг мажбуриятларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғурта объектини кўздан кечириш учун имконият яратиб бериш;

- суғурта мукофотларини ўз вақтида тўлаш;

- шартнома тузилаётганда суғурталовчига суғурта таваккалчилигини баҳолаш учун аҳамият касб этувчи ўзига маълум барча ҳолатлар ҳақида, шунингдек мазкур суғурта объекти бўйича тузилган ёки тузилиши кутилаётган ҳамма суғурта шартномалари тўғрисида маълумот бериш;

- суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанган мулкига зарар етказилишининг олдини олиш ва зарарни камайтириш учун зарур чораларни кўриш ва суғурталовчига суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақида суғурта шартномасида кўрсатилган муддатларда хабар бериш.

Темир йўл транспорти корхонасининг суғурталанган мулкни кўздан кечириш учун суғурталовчига тақдим қилиши ёки мулкнинг барча зарарланган қисмларининг фотосурати ёки видео суратини олдириши ва тиклаш ишлари бошлангунга қадар ўзи қиладиган ишларни суғурталовчи билан келишиб олиши керак.

Темир йўл транспорти корхонаси қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- бутун мулкни ва айрим объектларни томонларнинг қўшимча келишуви ёки янги суғурта шартномаси шартлари асосида қўшимча суғурталаш;

- суғурта ҳодисаси содир бўлганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;

- суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурталовчидан суғурта масалалари борасида маслаҳатлар олиш;

- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш.

Корхона олдида суғурта шартномасига мувофиқ суғурта ташкилоти қуйидаги мажбуриятларга эга бўлади:

- шартномада белгиланган муддатларда суғурта полисини бериш ва шартнома тузишда асосланилган суғурталаш қоидалари билан таништириш;

- суғурта шартномасида назарда тутилган суғурта ҳодисалари юз берганда суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳақидаги далолатнома асосида суғурта қопламаси тўлаш;

- суғурталанувчи билан бўладиган муносабатларда махфийликни таъминлаш.

Шу билан бир қаторда суғурта ташкилотининг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- агар суғурта ҳодисаси:

- а) суғурталовчининг суғурта ҳодисасини келтириб чиқариш учун атайлаб қилган ҳатти-ҳаракатлари натижасида юз берган бўлса;

- б) суғурталанувчи таваккалчиликдаги жиддий ўзгаришлар ҳақида суғурталовчини бохабар қилган бўлмаса;

- в) суғурталанувчи суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига хабар бермаган ёки етказилган зарар тафсилотлари, тури ва миқдорини аниқлашда суғурталовчи ёхуд унинг вакили иштирок этишига тўсқинлик қилган бўлса;

- г) суғурталанувчи зарарни аниқлаш учун зарур бўлган ҳужжатларни тақдим этмаган бўлса, суғурта товони тўлашни рад этиш;

- суғурта шартномасининг муддати мобайнида суғурталанган мулкнинг аҳволи ва қийматини, шунингдек суғурталанувчи ўз мулки ҳақида маълум қилган маълумотларнинг тўғрилигини текшириш;

- суғурталанувчидан суғурта ҳодисаси ҳақида хабар келишини кутиб ўтирмасдан, суғурта ҳодисаси етказган зарарни кўздан кечириш ва баҳолашга киришиш;

- суғурта ҳодисаси юз бериш хавфининг даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиб олиш.

Суғурталанувчи бўлган темир йўл транспорти корхонаси суғурта мукофотини шартномада кўрсатилган муддатда тўламаганда шартнома юридик кучини йўқотиши мумкин.

Агар суғурталанган мулкнинг йўқолиши ёки зарарланишига қуйидагилар сабаб бўлса, суғурта ташкилоти суғурта жавобгарлигидан озод этилиши мумкин:

а) суғурталанувчининг мажбуриятлари кучга киргунга қадар мулкда мавжуд бўлган ҳамда суғурталанувчи ёки унинг вакилларига маълум бўлган камчилик ва нуқсонлар;

б) суғурталанган мулкдан фойдаланиш қоидаларининг суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан бузилиши натижасида зарар етказилиши;

в) суғурталанувчининг ёки унинг шартнома бўйича суғурталанган мулк ишониб топширилиши мумкин бўлган ходимларидан, вакилларида ёки бошқа шахслардан бирининг эҳтиётсизлиги, виждонсизлиги, носамимийлиги, шунингдек мулкка мулкдорлик ёхуд эгалик ҳуқуқининг қаллоблик йўли билан бошқа шахсга ўтказилиши;

г) доимий таъсир кўрсатувчи фойдаланиш омиллари (эскириш, занглаб чириш) ва об-ҳаво омиллари таъсирида ёхуд суғурталанган нарсалардан фойдаланмаслик оқибатида аста-секин зарарланиш;

д) суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши;

е) енгил алангаланадиган модда ва материалларни сақлаш ёки улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши;

з) суғурталанувчи зарарланган нарсаларни ёки уларнинг қолдиқларини суғурталовчига кўрсатишдан бош тортган тақдирда, бутунлай йўқ бўлиб кетиши мумкин бўлган нарсалар бундан мустаснодир;

и) уруш ёки уруш ҳаракатлари (уруш эълон қилингани-қилинмаганидан қатъи назар), ғалаён, инқилоб, қўзғолон, исён, фитна, иш ташлаш, ноқонуний йўл билан ҳокимиятни қўлга олиш, суиқасд, қўпоровчилик ҳаракати, амалда ёки қонуний мавжуд бўлган ҳукуматнинг ёки бирор ҳокимият органининг фармойиши билан мусодара қилиш, реквизиция, бузиш ёки зарарлантириш, ядро реакцияси, ядро нурланиши ёхуд радиоактив зарарланиш.

Ички санитария техникаси тизимлари бузилганда қуйидаги:

а) агар фалокат суғурталанувчининг эҳтиётсизлиги ёки ношуд ҳатти-ҳаракатлари туфайли юз берган;

б) башарти фалокат учинчи шахсларнинг атайлаб қилган ёки атайлаб қилмаган ҳатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган ҳолларда суғурта ташкилоти етказилган зарар учун жавоб бермайди.

Суғурта қопламаси суғурталанувчининг зарарни қоплаш тўғрисидаги ёзма аризаси, шунингдек, ваколатли органлардан олинган тегишли ҳужжатлар асосида тўланади. Бундай ҳужжатларнинг тақдим этилмаслиги суғурталовчига ушбу ҳужжатлар билан тасдиқланмаган зарар учун товон тўлашни рад этиш ҳуқуқини беради.

Суғурталанувчи суғурта ҳодисаси содир бўлгани ҳақида ариза бергач, комиссия тузилиб, унинг таркибига суғурталанувчининг, суғурталовчининг, зарур ҳолларда эса ваколатли ташкилотларнинг ҳам вакиллари киритилади.

Комиссия муайян муҳлат ичида зарарланиш сабаблари ва миқдорини аниқлайди. Комиссия суғурта ҳодисасини эътироф этган тақдирда йўқотиш ва зарарлар миқдори, шунингдек тўланиши лозим бўлган суғурта қопламасининг миқдори аниқланади. Томонлар буни далолатномада қайд этадилар.

Мазкур далолатнома суғурталанувчига суғурталовчи томонидан суғурта товони тўланиши учун асос бўлади.

Зарар сабаблари ва миқдори хусусида томонлар ўртасида низолар пайдо бўлган ҳолларда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин.

Суғурталанувчи зарарни қоплаш ҳақидаги аризасида қуйидагиларни кўрсатиши шарт:

- суғурта ҳодисаси юз берган сана ва унинг тавсифи;
- суғурта ҳодисаси содир бўлганда суғурталанувчи қилган ишлар;
- зарар миқдори ва суғурталанувчи даъво қилаётган суғурта товонининг миқдори. Бунда тегишли рўйхат ва сумма кўрсатилиши керак;
- зарарни қоплаш учун учинчи шахслардан олинган товон миқдори.

Мабодо зарар тўлиқ қопланган бўлса ёки суд қарорига кўра зарар айбдор шахс томонидан қопланадиган бўлса суғурталанувчи суғурта товони олиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Қуйидаги ҳолларда суғурта товони тўланмайди:

-агар суғурталанувчи зарар етказилишига олиб келувчи ҳатти-ҳаракатларни атайлаб ёки қўпол эҳтиётсизлиги туфайли содир этган ёки уларга йўл қўйган бўлса;

-башарти зарар келиб чиқишига олиб келган ҳолатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан текширилаётган бўлса, текширув тамом бўлгунга қадар.

Мабодо суғурталанувчи ёки наф олувчи шахс зарар учун айбдор ёки учинчи шахслардан товодон олган бўлса, суғурталовчи суғурта шартларига кўра тўланиши лозим бўлган пул билан айбдор ёхуд учинчи шахслардан олинган пул ўртасидаги фарқнинг ўзини тўлайди.

Шартнома имзолагандан сўнг таваккалчилик даражасида рўй берган ва суғурта ҳодисаси юз бериш эҳтимолини оширадиган барча ўзгаришлар суғурталовчига суғурта шартларини ўзгартириш ҳамда қўшимча суғурта мукофоти тўланиши талаб қилиш ҳуқуқини беради. Суғурталанувчи қўшимча суғурта мукофотини тўлашдан бош тортган тақдирда мазкур шартнома юридик кучини йўқотади, тўланган суғурта мукофоти эса қайтариб берилмайди.

Шартномада келишилган зарарларни қоплаш учун суғурталовчи томонидан амалга оширилган ҳар бир тўлов мажбуриятлар чегарасини ана шу тўлов миқдорида, аммо агар масъулият чегарасини қайта тиклаш учун қўшимча суғурта мукофоти тўланмаса, далолатномада қайд этилган зарар миқдоридан кўп бўлмаган ҳажмда камайтиради.

Шартнома томонлар унда кўрсатилган мажбуриятларини бажармай қўйгунларига қадар кучда бўлади.

Томонлардан бирининг камида 30 кун олдин бериладиган ёзма аризасига биноан шартнома исталган вақтда бекор қилиниши мумкин.

Агар суғурталанувчи шартномани муддатидан олдин бекор қилишини маълум қилса, суғурта мукофоти унга қайтарилмайди.

Суғурта шартномаси бекор қилинишини суғурталовчи талаб этган тақдирда:

а) суғурталанувчига суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб миқдорда қайтарилади, бунда ўтган даврда қилинган харажатлар суғурта мукофотидан ушлаб қолинади;

б) башарти суғурта шартномаси бекор қилинишининг талаб этилишига ушбу шартномада келишилган шартларнинг суғурталанувчи томонидан бузилиши сабаб бўлса, фақат суғурта мукофоти муддати тамом бўлмаган даврга мутаносиб миқдорда қайтарилади.

Суғурта товони тўлаш ҳақида далолатнома тузилгандан кейин суғурталанувчининг зарар етказилиши учун жавобгар шахсларга нисбатан бўлган ҳуқуқлари тўланган пул миқдорида суғурталовчига ўтади. Бунда суғурталанувчи айбдор шахслардан талаб қилиш ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган ҳужжатларни суғурталовчига бериши шарт.

Суғурталанувчи зарар етказган шахсга бўлган даъвосидан ёки унга нисбатан бўлган талабларнинг амалга оширилишини таъминловчи ҳуқуқларидан воз кечганда, шунингдек регресс талабни қўйиш учун зарур бўладиган ҳужжатларни суғурталовчига беришдан бош тортганда суғурталовчи суғурта товони тўлашдан озод бўлади.

Шартномага киритиладиган ҳамма қўшимча ва ўзгартиришлар, шунингдек пролонгация, бекор қилиш ёки тўхтатиш томонларнинг розилиги билан ўзаро хабар берилган ҳолда ёзма равишда амалга оширилмоғи даркор.

Суғурта шартномасидан келиб чиқувчи барча низо ва келишмовчиликлар томонларнинг музокара олиб бориши йўли билан ҳал этилади, келишувга эришиб бўлмаган тақдирда эса тегишли муддат ичида Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда қараб чиқиш учун хўжалик судига оширилади.

Суғуртани мазмун-моҳиятига кўра, ўзаро узвий боғлиқ бўлган суғурта хизматларини ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш саъй-ҳаракатлари мажмуаси, деб таъкидлаш мумкин. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектларининг талабларига кўра, уларни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Бу жараёнда рисклар юз бериши оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарларни қоплашда суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти ортмоқда.

Шунга кўра, темир йўл транспорти корхоналари мулкани суғурталашда тарифларни оптимал даражада белгилаш суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили сифатида қаралмоқда.

2. Темир йўл транспорти тизими корхоналари мол-мулкани суғурталашда тариф сиёсатини такомиллаштириш

Темир йўл транспорти корхоналари мулкани суғурталашда тарифларни белгилаш қатор услубиятларга, хусусан, эҳтимоллик назариясига биноан суғуртачиларда шакллантирилган маълумотлар базасига асослангандир⁷.

Хусусан, тарифларни белгилашда ҳар бир шартнома бўйича қуйидаги:

- суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоли;
- суғурта мукофотининг ўртача катталиги;
- тўланиши эҳтимол бўлган суғурта қопламасининг ўртача суммаси каби омиллар эътиборга олинади.

Темир йўл транспорти корхоналари мулкани суғурталаш бўйича тарифларни аниқлаш услубиятларида объектларнинг ўзига хослиги тўлиқ акс этмаган. Шунини таъкидлаш керакки, тарифларни белгилашда унга таъсир этувчи қатор омиллар қатъий эътиборга олинган услубиятнинг самараси кутилган даражада бўлиши мумкин. Хусусан, бундай услубият:

- суғурта объектларини таснифлаш (гуруҳлаш);

⁷ См. Теоретические основы построения страховых тарифов// Гинзбург А.И.Страхование. – СПб.: Питер, 2003, сс. 34-42, а также, Цена страховой услуги. Методические основы расчета страховых тарифов// Теория и практика страхования. Учебное пособие – М.: Анкил, 2003, сс. 90-118.

- ҳар бир гуруҳнинг ўзига хос томонларини аниқлаштириш;
- ўзига хос хусусиятларни сон жиҳатдан баҳолаш услубиятини ишлаб чиқиш;
- ҳар бир гуруҳ объектларининг умумий томонларини акс эттирган маълумотлар базасини шакллантириш;
- суғурта тарифларини ҳисоблашнинг дастурий таъминотини йўлга қўйиш каби бир қатор саъй-ҳаракатларни амалга оширишни талаб этади.

Суғуртани амалга ошириш харажатларини ҳисоблаш «актуар калькуляция» (actuary) деб аталади¹. Унинг ёрдамида шартнома бўйича суғурта мукофотлари ҳамда суғурталовчининг иш юритиш харажатлари суммаси, яъни мазкур хизмат таннари ҳисоблаб чиқилади. Суғурта фаолиятида актуар ҳисоб-китобларнинг ўзига хос томонлари ҳам мавжуд ва улар қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади:

- баҳоланаётган риск доимо эҳтимоллик характериға эға бўлиши;
- айрим йилларда умумий қонуниятға зид туркум тасодифий ҳодисалар юз бериши, уларнинг таъсири, ўз навбатида, суғурта ташкилотидан талаб этиладиган суғурта қопламаси тўлови суммасининг сезиларли ўзгаришини тақозо этиши;
- суғурталовчи томонидан кўрсатилаётган хизмат таннари суғурта муносабатлари йиғиндисидан келтирилиб чиқарилиши;
- суғурталовчи ихтиёрида бўладиган махсус захирани ажратиш, унинг оптимал ҳажмини аниқлаш талаб этилиши;
- суғурта шартномалари кўрсаткичларини (инглизча «storno») башорат қилиш ҳамда улар бўйича эксперт баҳоси талаб этилиши;
- қарз (ссуда) фоизлари меъёрларини ва аниқ вақт оралиғида уларнинг ўзгариш анъаналарини тадқиқ этиш тақозо этилиши;
- суғурта ҳодисаси билан боғлиқ ҳолда тўлиқ ёки қисман зарарлар юзаға келиши ҳамда улар катталигининг кенглик ва вақтда тақсимланишиға махсус жадваллар ёрдамида ўзгартиришлар киритиш талаби намоён бўлиши;

¹Қаранг: Современный финансово-кредитный словарь./Под общ. ред. М.Г.Лапусты, П.С.Никольского. –М.: ИНФРА-М, 1999. с. 13.

- эквивалентлик тамойилига амал қилиш, яъни суғурта мукофотлари ва суғурта ташкилоти томонидан тариф даврида кўрсатилаётган суғурта таъминоти ўртасида ўзаро тенглик ўрнатилиши тақозо этилиши;

- умумий суғурта доирасида рискларни аниқлаштириш ва уларни гуруҳлаш талаб этилиши кабилар.

Суғурта тўловлари ҳажмининг ҳисоб-китоблари айнан бир мамлакат, алоҳида бир ҳудуднинг ўзига хос томонларини инобатга олган ҳолда, шунингдек риск юз бериши эҳтимолининг вақт ва кенгликдаги хилма-хиллиги асосида аниқланади. Масалан, суғурталанган объектлар сони 100 та, ҳар бир объект бўйича суғурта суммаси 2 млн. сўм бўлса, риск эҳтимоли 2 фоиз даражасида ($0,02 \times 100 \times 2$ млн. сўм) ҳамда зарар суғурта суммасига тенг ёки ундан катта бўлганида, мазкур умумий суғурта доирасидаги бу суғурта тури бўйича йиллик суғурта қопламаси, яъни нетто-ставка айнан 4 млн. сўмни ташкил этади.

Аниқланган суғурта қопламасини суғурталанган объектлар сонига бўлсак, умумий суғурта захирасига ҳар бир суғурталанувчи томонидан тўланиши керак бўлган суғурта мукофоти 40 минг сўм ($0,02 \times 2$ млн. сўм) эканлиги аниқланади. Ҳар бир суғурталанувчи айнан шунча суғурта мукофотини тўлаши керак. Суғурта суммасининг бирлиги сифатида 1000, 100 ёки 1 сўм олиниши мумкин.

Тариф ставкаси ёрдамида ҳар бир суғурталанувчи томонидан суғурта шартномаси бўйича тўлаши керак бўлган суғурта мукофоти аниқланади. Бунинг учун шартномада қайд этилган суғурта суммаси тариф ставкасига кўпайтирилади. Масалан, тариф ставкаси ҳар 100 сўмдан 2 сўм даражасида белгиланган бўлса, шартнома бўйича суғурта суммаси 5 млн. сўмга тенг бўлганда, суғурта мукофотининг катталиги қуйидагича аниқланади:

$$(2 \text{ сўм} \times 5 \text{ млн. сўм}) : 100 \text{ сўм} = 100\,000 \text{ сўм.}$$

Суғурта тарифи ставкаси суғурта суммасига нисбатан фоизларда белгиланади. Унинг тўғри ҳисоблаб чиқилганлиги муҳимдир. Суғурталовчи суғурта тарифи асосида ундирилган суғурта мукофотлари ҳисобидан ўз

зиммасига олган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажарилишини таъминлайди, яъни суғурта фаолиятини амалга ошириш харажатларини қоплайди.

Суғурта рисклари сезиларли даражада кам юз берган ёки суғурта ходисаси оқибатида кўрилган зарар кўлами катта бўлмаган йиллар ҳисобига суғурталовчининг даромад (фойда) олиш эҳтимоли ортади. Шунинг ҳам назарда тутиш лозимки, аниқ натижалар ҳисоб-китобида ҳисобот даври давомида хабар қилинган, аммо суғурта қопламаси амалга оширилмаган зарар суғурта ташкилоти фаолиятининг молиявий кўрсаткичларига ҳам сезиларли таъсир этади.

Суғурта тарифининг риск юз бериши эҳтимолига нисбатан юқори даражада кўрсатилиши бир томондан, мижоз билан суғурта шартномаси тузилмай қолишига сабаб бўлса, иккинчи томондан, суғурталовчининг суғурта бозоридаги рақобатбардошлигига ҳам салбий таъсир этади. Ва, аксинча, тариф ставкасининг паст даражада белгиланиши суғурталовчи маблағларининг тақчиллигини келтириб чиқариши оқибатида, суғурталанувчи кўрган зарарнинг суғурта қопламаси амалга оширилмай қолинишига олиб келиши мумкин, аммо, бундай ҳолат амалиётда деярли учрамайди.

Суғурта шартномаси бўйича қанча суғурта тури суғурталанаётган бўлса, нетто-ставка ҳам шунча қисмдан иборат бўлади. Масалан, ҳаётни аралаш суғурталаш бўйича нетто-ставка белгиланган давргача яшаганлиги учун, ўлим ҳолати юз берганлиги учун, меҳнат фаолиятини йўқотиш ҳолати учун каби нетто-ставкалардан ташкил топади.

«Юк»да суғурта ишини олиб бориш харажатлари акс этади. У қуйидаги қисмларни ўз ичига олади:

- маъмурий-хўжалик харажатлари (унинг асосини ташкилот штатидаги ходимларга тўланадиган маошлар суммаси ташкил этади);
- суғурта полисларини жойлаштирганлиги учун ҳақлар;
- суғурта агентлари, менежерлар учун ҳақлар.

Тўлов шакллари, одатда брутто-ставка ёки «юк»ка нисбатан фоизларда аниқланади. Фоиз тўловларидан ташқари рағбатлантиришлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари, шу жумладан темир йўл транспорти корхоналари мол-мулкани суғурта қилиш бўйича «юк» суғурта ишини юритиш харажатларидан ташқари огоҳлантириш захирасига ажратмалар қилиш ва режалантирилган фойда суммаларини ҳам ўзида акс эттиради. Брутто-ставкани ҳисоблашда, дастлаб нетто-ставка аниқлаб олинади, сўнгра унга «юк» (одатда брутто-ставкага нисбатан фоизларда) қўшиб ҳисобланади. Брутто-ставка қўйидагича аниқланади:

$$МС = \frac{НС}{100 - Ю(\%)},$$

Бу ерда, МС - брутто-ставка;

НС - нетто-ставка;

Ю(%) - юк (фоизларда ифодаланади).

Мажбурий суғурта турлари бўйича тарифлар меъёрий ҳужжатлар билан ўрнатилса, ихтиёрий суғуртада эса, суғурталовчи томонидан мустақил равишда аниқланади.

Тарифни аниқлаш услубияти, тариф ставкаси ва унинг дастлабки маълумотлар манбаси, нетто-ставка ва «юк» улушлари кўрсатилган ҳолда тариф ҳисоб-китоблари махсус ваколатли давлат органига тақдим этилади. Мазкур орган томонидан рухсат берилганидан сўнг суғурта ташкилоти ўзи ҳисоблаб чиққан суғурта тарифини қўллаш ҳуқуқига эга бўлади. Ҳар бир суғурта шартномаси бўйича суғурта тарифининг ҳажми суғурта объектини тавсифловчи қатор ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда томонларнинг ўзаро келишувига кўра белгиланади.

Умумий суғурта қилиш тармоғи класслари бўйича тариф ставкасини аниқлашда нетто-ставка ҳисоб-китоби муҳим ҳисобланади. Айнан унинг ҳисобидан суғурталанувчилар кўрган зарарнинг қоплама тўловлари амалга оширилиши назарда тутилади.

Суғурта ташкилоти мукофот ундирилиши ҳисобига суғурта ҳодисаси юз бериши оқибатида суғурталанувчи кўрган зарарни қоплаш учун етарли миқдордаги суммани жамлаб олиши муҳимдир. Масалан, ҳар йили суғуртага қабул қилинган 1000 хонадондан 6 таси бутунлай ёниб кетиши ҳодисаси рўй беради деб фараз қилсак, ҳар бир хонадоннинг баҳоси 1 млн. сўм бўлса, бу ҳолатда суғурталовчи (1 млн. х 6) 6 млн. сўм миқдоридаги пул фондига эга бўлиши талаб этилади. Бу суғурта қопламаси суммасини суғурталанган объектлар сонига бўлиш орқали ҳар бир суғурталанувчига тўғри келадиган (6 млн. сўм : 1000 = 6 минг сўм) суғурта мукофоти аниқланади. Айнан шу сумма аниқ бир суғурта объекти учун ҳисоблаб чиқилган нетто-ставкадир.

Ўзбекистонда фаолият кўрсатаётган суғурта ташкилотлари томонидан нетто-ставкани ҳисоблаш амалиётда бирмунча мураккаброкдир¹. Негаки, суғурталанган объектнинг (бир қисми ёки батамом) зарар кўрганлиги даражаси, суғурта ҳодисалари (ёнғин, сув тошқини ва бошқа) сонининг йиллар бўйича тафовути, шунингдек, бошқа қатор далилларни эҳтимолликка асосланиб, башорат қилиш ва ҳисобга олиш керак бўлади. Мол-мулк (бино, уй хайвонлари, қишлоқ хўжалиги экинлари)нинг турли суғурта ҳодисалари (ёнғин, касалликлар, совуқ ва шу кабилар) юз бериши оқибатида, зарар кўриши ёки ҳалокатга учраши эҳтимоли турличадир. Шундан келиб чиқиб, объектларнинг шартномада қайд этилиши назарда тутилаётган суғурта ҳодисаларидан суғурталаш бўйича тариф ставкалари ҳам турлича белгиланиши мумкин.

Риск қопламаси тўловининг катталиги суғурта ҳодисаси юз бериши эҳтимоллиги даражасига боғлиқ бўлади. Риск бўйича суғурта мукофоти унинг юз бериш эҳтимоллигининг вақт ва кенгликдаги ҳолатидан келтириб чиқарилади. Ҳаёт суғуртаси тармоғида риск эҳтимоли мижозлар жинси ва ёшига кўп жиҳатдан алоқадор бўлса, умумий суғурта тармоғида эса, нисбатан доимий риск мавжуддир. Аммо маълум вақт оралиғида риск

¹Худди Европа мамлакатларидаги каби суғуртачилар иштирокидаги суғурта компаниялари ассоциациялари ва махсус (масалан, «Assamlee Pleniére des Socieetes d'Assurances Dommages» каби) техник ташкилотлар томонидан суғурта «махсулот»ларини кўрилиши эҳтимол бўлган зарарлар бўйича ишончли даражада тарификациялаш сингари фаолият Ўзбекистонда йўлга қўйилганича йўқ.

катталиги ўзгариши ҳам кузатилади.

Темир йўл транспорти корхоналарини суғурталашда тариф ставкаларни белгилашда тармоқнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Айниқса, халқаро йўналишда қатнайдиған юк ва йўловчи ташишга ихтисослашған поездлар ҳамда улардаги йўловчиларни суғурталашда халқаро меъёр ва талабларга риоя этилиши зарур. Шу туфайли, темир йўл транспорти корхоналарини суғурта ҳимоясига олишда белгиланадиган тарифлар ва уларни Ўзбекистон ҳудудидан ташқарида амал қилинишини таъминлаш учун халқаро келишувларга эришилиши муҳим аҳамият касб этади.

III боб бўйича хулоса

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, темир йўл транспорти корхоналарининг мулкый манфаатларини суғурта йўли билан ҳимоялашда суғурта шартлари, жумладан, умумий истиснолар, суғурта даъволарини кўриб чиқиш ва ҳал этиш ишларини тўғри ташкил этиш ва уларни доимий такомиллаштириб бориш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, темир йўл транспортини комплекс суғурталаш дастурларида тариф ставкаларини актуар ҳисоб-китоблар, эҳтимоллар назарияси қоидаларига риоя этган ҳолда ишлаб чиқиш ва қўллаш мақсадга мувофиқ.

Хулоса

Иқтисодий тимизнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган темир йўл транспорти тизими корхоналарини суғурта йўли билан химоялашни такомиллаштириш масалаларига бағишланган ушбу магистрлик диссертацияси натижалари, бизга, қуйидаги хулосаларни чиқариш ва таклифларни ишлаб чиқишга имконият яратди.

“Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси фаолиятининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- темир йўл бўйлаб юкларни экспедициялаш ва етказиб бериш;
- темир йўл вагонларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш;
- йўловчиларни, туристларни ташиш;
- локомотив ва вагон паркини янгилаш, хизмат кўрсатиш.

Компания инвестицион қўллаб-қувватлашга мухтож бўлган ва амалга ошган тақдирда инвесторга катта даромад келтиришга умид бағишловчи бир нечта лойиҳага эга. “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик темир йўл компанияси 1993 йилдан бошлаб темир йўллар ҳамдўстлиги Ташкилотига (ОСЖД) аъзо. Компания халқаро темир йўллар уюшмаси (МСЖД) ва Осиё-Тинч океани минтақаси учун БМТнинг Иқтисодий комиссияси (ЭСКАТО) билан яқиндан алоқа ўрнатган. Давлат-акциядорлик темир йўл компанияси Европа Иттифоқи Комиссияси ТАСИС дастурининг ТРАСЕКА (Европа-Кавказ-Осиё транспорт коридори) лойиҳаси бўйича қўшма иш олиб бормоқда.

Темир йўл транспорти тизими корхоналарини техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳазлаш, соҳага янги инновацион технологияларни жорий этиш, темир йўл орқали юк ва йўловчиларни ташиш ва ҳаракатдаги темир йўл транспортини эксплуатация қилиш ўта мураккаб жараён бўлиб, бунда турли хавф-хатарларнинг юзага келиши, табиий. Бу хавф-хатарларнинг содир бўлиши, аксарият ҳолатларда, темир йўл транспорти тизими корхоналари фаолиятининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади, баъзида ишлаб

чиқаришни издан чиқишига олиб келади. Бундай нохуш ҳодисаларнинг юз бериши оқибатида етказилган зарарларнинг ўрнини қоплашда суғурта ишончли ва иқтисодий жиҳатдан юқори самара берадиган механизмлардан бири суғуртадир.

Илмий изланиш натижалари, темир йўл транспорти тизими корхоналарининг мулкӣ манфаатларини суғурталаш бўйича суғурта компаниялари томонидан талай ишлар амалга оширилаётганлигини кўрсатди. Хусусан, айрим темир йўл транспорти корхоналари ўзларининг мол-мулкни суғурталаш имкониятига эга бўлганлар. Аммо шундай бўлишига қарамай, ҳамон корхона раҳбарларининг суғурта саводхонлиги пастлигича қолмоқда. Уларнинг онгига суғуртанинг туб моҳиятини сингдириш бўйича ҳали кўп ишлар қилиниши керак.

Темир йўл транспорти тизими корхоналари ва суғурта компаниялари ўртасида суғурта шартномаси тузилишидан аввал корхонанинг фаолиятига таъсир этадиган рискларни аниқлаш, баҳолаш ва шунга муносиб равишда суғурта шартларини ишлаб чиқишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз. Темир йўл транспорти тизими корхоналари, хусусан ҳаракатдаги темир йўл таркибида, яъни поездда юзага келиши мумкин бўлган рискларнинг табиатини, частотасини ва содир бўлиш эҳтимолини чуқур ўрганишни ва шундан сўнг суғурта ҳимоясига олинишини таклиф этамиз.

Бизнинг фикримизча, темир йўл транспорти соҳасини тўлиқ суғурта ҳимоясига олинишини таъминлаш мақсадида илғор хорижий давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда махсус суғурта дастларини ишлаб чиқиш зарур. Зеро, бу айнан темир йўл транспорти тизимининг ўзига хос хусусиятлари, темир йўл транспортини эксплуатация қилиш жараёнида пайдо бўладиган рискларни таҳлил қилиш ва шу асосда суғуртага қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Амалиётда суғурта ҳодисалари содир бўлганда зарарларни қоплаш билан боғлиқ кўплаб низолар вужудга келади. Бу низоларнинг келиб чиқиш сабаблари турлича бўлиши мумкин. Улар ичида суғурта шартнома

шартларини тўлиқ тушунмаслик, умумий истиснолар тўғрисида билимларнинг етарли эмаслиги каби ҳолатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг фикримизча, темир йўл транспорти корхонаси суғурталовчи билан суғурта шартномасини тузишдан олдин унинг мазмун-моҳиятини чуқур ва атрофлича ўрганиши, айниқса, рисклар таркиби ва қайси ҳолатларда зарарлар қоплаб берилмаслигини аниқ билиши керак.

Темир йўл транспорти тизими корхоналарини суғурталашда шу корхоналарда меҳнат қилаётган ишчи-хизматчиларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ўзига хос аҳамиятга эга. бу суғурта тури мамлакатимизда нисбатан тараққий этган бўлишига қарамай, эксперт баҳоларга кўра, темир йўл транспорти тизими корхоналари ишчи-хизматчиларининг катта қисми бахтсиз ҳодисалардан эҳтиёти шарт суғурта қилинмаган.

Темир йўл транспорти тизими корхоналарининг мол-мулкини суғурталашда тариф ставкаларини тўғри қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Тариф ставкалари илмий асосланган ва қабул қилинаётган мажбуриятнинг ҳажмига мос келиши лозим.

Суғуртани мазмун-моҳиятига кўра, ўзаро узвий боғлиқ бўлган суғурта хизматларини ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш саъй-ҳаракатлари мажмуаси, деб таъкидлаш мумкин. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектларининг талабларига кўра, уларни суғурта рискларидан ҳимоясини таъминлашга қаратилгандир. Бу жараёнда рисклар юз бериши оқибатида кўрилиши эҳтимол бўлган зарарларни қоплашда суғурта тизими барқарорлигини таъминлашнинг аҳамияти ортмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси қонунлари

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. 1996 йил (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
2. “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2008 йил 21 апрель.
3. “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Қонуни. 2009 йил 16 апрель.
4. Ўзбекистон Республикасининг Қонуни «Суғурта фаолияти тўғрисида». 2002 йил 28 май (Ўзгартириш ва қўшимчалар билан).
5. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида”ги Қонуни.// www.Lex.uz.

II. Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида 2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ-325-сон Қарори.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-618-сон Қарори.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 21 майдаги “Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида” ПҚ-872-сонли қарори.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2011 — 2015 йилларда республика молия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида” 2010 йил 26 ноябрдаги ПҚ-1438-сон Қарори.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғуртачиларнинг молиявий барқарорлигини янада оширишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 31 майдаги ПҚ-1544-сон Қарори

12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида”ги 141-сонли қарори.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикасининг Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2009 йил 24 июндаги 177-сон қарори.

III. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг асарлари

14. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 80 б.

15. Каримов И.А. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. Т.: Ўзбекистон, 2009.- 24 б.

16. Каримов И. А. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. –Т.: “Ўзбекистон”, 2011й.-528 бет.

17. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг кўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. Ўзбекистон

Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси.//Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь.

IV. Асосий адабиётлар

18. 19. Годин А.М., Фрумина С.В. Страхование: учебник. – М.: изд-во «Дашков и К», 2009. – 480 стр.
19. Страхование: учебник/Под ред. Проф. Т.А.Федоровой. – СПб.:Магистр , 2008.-768 с.
20. Страхование: учебник для студентов, обучающихся по специальностям «Финансы и кредит», «Бухгалтерский учет, анализ и аудит». Под.ред.В.В.Шахова. – М.: изд-во «ЮНИТИ-ДАНА», 2009. – 511 стр.
21. Ochilov I., Sultonov D. Sugʻurta hisobi va hisoboti. Oʻquv qoʻllanma. –Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2010y. – 224 bet.
22. Суғурта агентлари учун қўлланма. – Т.: “PRINTXPRESS ”, 2010 й. – 208 бет.
23. Самарова Е. Страховая математика: практический курс. Учебное пособие. – М.: “ИНФРА – М ”, 2009 г. – 80 стр.
24. Страхование. Учебник / под ред. Т.А.Федоровой. – М.: “Магистр ”, 2009 г. – 1006 стр.
25. Рыбин В. Основы страхования. Учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010 г. – 240 стр.
26. Никулина Н. Страховой маркетинг. Учебной пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА ”, 2009 г. – 503 стр.
27. Никулина Н. Страхование. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2008 г. – 511 стр.

28. Сербиновский Б. Страхование дело. Учебное пособие. – Ростов н/Д: “Феникс ”, 2010 г. – 476 стр.
29. Страхование: экономика, организация, управление. Учебник. – М.: “Экономика”, 2010 г. - 751 стр.
30. Страхование: учебник для студентов, Обучающихся по специальностям “Финансы и кредит”, “Бухгалтерский учет, анализ и аудит” / под. ред. В.В. Шахова, Ю.Т. Ахвледиани. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, 2010 г.- 511 стр.

V. Қўшимча адабиётлар

31. Гаврилова С. Страхование: Учебное пособие. – М.: “Эксмо”, 2010 г. – 304 стр.
32. Галаганов В. Основы страхования и страхового дела: учебное пособие. – М.: “КНОРУС ”, 2010 г. – 224 стр.
33. Денисова И. Страхование. Учебник. – М.: ИКЦ “МарТ ”, 2009 г. - 240 стр.
34. Игошин Н. Страхование право. Учебное пособие. – М.: “ЮНИТИ – ДАНА”, - 2010 г. – 167 стр.
35. Короткова Ю.Е. Краткий курс по страхованию. Учебное пособие. – М.: Изд. “Окей – книга ”, 2010 г. – 176 стр.
36. Кузнецова И. Страхование жизни имущества граждан. Практическое пособие. – М.: “Дашков и К ”, 2010 г. – 228 стр.

VI. Даврий нашрлар, статистик тўпламлар ва ҳисоботлар

37. Анализ рынка ОСГО Узбекистана за 2009 год.//Бизнес-вестник Востока, 28 января 2010 года №5 (1218), стр.14-15.
38. Большинство страховых претензий удовлетворяется. – Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.

39. Гребенщиков Э.С. Финансовый кризис в мире: последствия и уроки для страхового бизнеса, регуляторов и страхователей// Финансы, №3 2009 г. с.53-54.
40. Икромов О.Г., Гайбуллаев Б. Ремни финансовой безопасности (обзор страхового рынка – 2008)// Экономическое обозрение, №5-6, 2009 г. С.86-91.
41. Икромов О.Г. Страхование: вчера, сегодня, завтра// Народное слово, 3 июля 2009 г. С.1-2.
42. Имамов Ш.Б. Страхование как средство против кризиса// Народное слово, 5 августа 2009 г. С.1-2.
43. Итоги страхового рынка за I полугодие 2009 г.//Бизнес-вестник Востока, №54 2009 г., с.12.
44. Обзор страхового рынка Узбекистана по итогам 2010 года//Бизнес-вестник Востока, №3-4/1 13 января 2011 года. стр.8.
45. Узагросугурта”: страховая защита по всему Узбекистану//Бизнес-вестник Востока, №30, 14 апреля 2011 г. – стр.5.
46. Узбекинвест”: стратегия успешного бизнеса//Бизнес-вестник Востока, №32, 21 апреля 2011 г. –стр.7.
47. Страховая компания “Кафолат”: 14 лет успешного роста// Бизнес-вестник Востока, №29 12 апреля 2011 г. –стр.4.
48. Мажбурий суғурта афзалликлари//Халқ сўзи, 2009 йил 25 апрель.
49. Фонд ОСГО подвел предварительные итоги за 2009 год. //Бизнес-вестник Востока, 26 января 2010 года №4 (1217), стр.14.
50. Икромов О.Г., Шеннаев Х.М. Ўзбекистонда суғурта хизматлари бозори: ривожланиш тенденциялари ва истиқболлари.// “Молия” журнали, 2008 йил 1-сон.
51. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари.
52. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги маълумотлари.
53. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта

килиш бўйича тўловларни кафолатлаш жамғармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

VII. Интернет сайтлари

54. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги).
55. <http://www.UzReport.com> (“SAIPRO” ахборот-рейтинг агентлиги).
56. <http://www.agros.uz> (“Ўзагросуғурта” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
57. <http://www.uzbekinvest.uz> (“Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компанияси).
58. <http://www.kafolat.uz> (“Кафолат” давлат-акциядорлик суғурта компанияси).
59. <http://www.alfainvest.uz> (“Альфа инвест” суғурта компанияси).
60. <http://www.alskom.uz> (“Алском” суғурта компанияси).
61. <http://www.kapitalsugurta.uz> (“Капитал суғурта” суғурта компанияси).
62. <http://www.allinsurance.ru> (Россия Федерациясининг суғурта бўйича сайти).
63. <http://www.expert.ru> (Россия Федерацияси рейтинг компанияси).
64. <http://www.ankil.ru> (Россия Федерациясининг консалтинг фирмаси).
65. <http://www.znay.ru> (Россия Федерациясининг суғурта сайти).